



САДОҚАТ — ҲАР БИРИМИЗНИНГ МАЪНАВИЙ ҚУДРАТИМИЗ БЎЛИШИ КЕРАК



Дунёда турли хавф-хатар ва таҳдидлар, қуролли можаролар ва тўқнашувлар кучайиб бораётган бугунги кунда ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳарбий хизматчиларнинг миллий ва жанговар руҳини янада ошириш, ахлоқий-руҳий тайёргарлигини мустаҳкамлаш муҳим вазифалардан биридир.

Ватанпарварлик руҳи

Муҳтарам Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонини Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, ҳарбий-жанговар салоҳият ва юксак маънавий салоҳият Ўзбекистон Қуролли

Кучларининг икки буюк таянчига айланиши зарур.

Мудофаа вазирининг ватанпарварлик тарғиботи, маънавий-маърифий ишлар ва ёшлар билан ишлаш бўйича

маслаҳатчиси, филология фанлари номзоди, доцент Олимжон Ўсаров ҳамда Республика Маънавият ва маърифат маркази хузуридаги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти директори ўринбосари, педагогика фанлари доктори, профессор Муҳаммадjon Қуронови "Янги Ўзбекистон" газетаси учун тайёрлаган муҳожабаси бу йўналишдаги ишларни янги сифат босқичига олиб чиқиш ва истиқболдаги вазифаларга бағишланди.

▶ Давоми 5-бетда

ФОЗИЛ ОДАМЛАР ДИЁРИ

ЁХУД ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИГА ҚАРАТИЛАЁТГАН ЭЪТИБОРГА БИР НАЗАР

Буюк ўзбек йўли



“Фозиллар шаҳри, унинг аҳолиси, уларнинг диллари эришадиган бахт-саодат нима эканини билиши зарур” деб ёзган эди Абу Наср Форобий. Бу ҳикмат айна кунларимизга атаб ёзилгандай гўё. Фозил одамлар шаҳри соғинчи ила ёзилган ушбу битикнинг бугунимизга боғлиқ жиҳати ҳақида бир оз кейин батафсил тўхталамиз. Ҳозир мазкур сўзларни эслашимизга сабаб бўлган ва мамлакатимиз келажаги йўлидаги муҳим воқеа — давлатимиз раҳбарининг ёшлар билан мулоқотига тўхталасак.

Шу йилнинг 14 февраль куни видеоселектор шаклида бўлиб ўтган учрашув том маънода тарихий воқеа бўлди. Унда ёшлар учун имкониятларни янада кенгайтириш чора-тадбирлари муҳокама этилди. Қатор муҳим вазифалар белгилаб олинди. Келинг, учрашувда ўртага ташланган айрим жиҳатлари ҳақида сўз юритсак.

Ҳозир дунёнинг техник тараққиётини, жаҳондаги сиёсий вазиятни кўриб-билиб турибмиз. Уни ортиқча таърифлаш шарт эмас, назаримизда. Таъкидлаш керакки, ҳеч замонда тараққиёт ҳам, сиёсий жараёнлар ҳам ҳозиргидай глобал даражада мурраккаб бўлмаган. Тан олиш керак, аксариятимиз бугунги техник тараққиётга маҳлиё бўлсак-да, келажакни тасаввур қила олганимиз йўқ. Табиий бойликлар тобора камайиб, она замин аҳолиси ошиб бормоқда.

Боз устига, кўпгина касбларни техника, хусусан, сунъий индирект эгаллай бошлади. Бу келажакда ресурслар учун жиддий кураш бўлишини, юксак интеллект эгалари-

гина фаровон яшашини аниқлади. Янада содда қилиб айтсак, бугун мактаб таълимнинг ўзи билан маҳалланинг дўкандори, боринки, 10-15 бош мол боқиб рўзгор тебратётганлар талайгина. Улар эл қатори бўлиб яшайпти. Аммо биз айтган келажакда бундай бўлмайди. Масалан, ҳозир ҳам мол боқиб зўр фойда олиш учун соҳага оид китоб ўқиш, тажрибаларни ўрганиш зарур. Бу — илм дегани!

Келажакда ана шу илмий тафаккурга эҳтиж каррасига ошиб кетади. Бу ҳақида ҳам бир оз кейин батафсил тўхталамиз. Шу маънода, ёшлар билан учрашувда таълимга устувор вазифа сифатида қаралгани бежиз эмас.

Ўзбекистонда таълимга жуда катта эътибор берилётгани кишини қувонтиради. Оддий мисол, хусусий боғчаларга кенг

йўл очилиши, имтиёз берилиши орқали қамров кескин оширилди. Ёки олий таълимда коррупцияга тўла барҳам берилиши сабаб адолат тикланди. Талабга яраша таклиф муҳити яратилди.

Масалан, илгари олий таълимда битта ўрин учун камида 10 киши курашар эди. Бунинг оқибатида турли қинғирликлар авж олган, ўқиб илм олишдан кўра, университетга кирибди, деган сўз — сохта обрў муҳим бўлиб қолган. Замоннинг ўзи кўрсатяптики, олий таълимга қабул қилиниш эмас, билим олиш муҳим. Буни аниқлашимиз учун қисқа вақтда олийгоҳлар сонини 3 баробар оширилди. Соҳага хусусий сектор кириб келди. Натижада ёшларни олий таълимга қамраб олиш 42 фоизга етди.

▶ Давоми 3-бетда



ЎЗБЕКИСТОН — КУВАЙТ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЯНГИ МОДЕЛИ

Ўзбекистон кейинги йилларда фаол ташқи сиёсати доирасида Кўрфаз араб давлатлари билан муносабатларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Мазкур минтақада мамлакатимизнинг ишончли ҳамкорлари сонини кўпайиб бормоқда.

Президентимизнинг 17-18 февраль кунлари Кувейтга илк расмий ташрифи якунлари фикримиз исботидир. Ушбу ташриф Ўзбекистон Кўрфаз минтақасида янги ва ишончли шерикка эга бўлганини кўрсатди. Олий даражадаги учрашувда кузатишга сазовор бўлган муҳим ва имзоланган шартномалар кўламини бунини тасдиқлайди.

Мулоқот якунларини таҳлил қилиш асносида Ўзбекистон ва Кувейт муносабатларининг истиқболли бўлишига қатор муҳим хулосалар қилиш мумкин.

Биринчидан, Ўзбекистон ва Кувейт етакчиларининг дастлабки икки томонлама учрашувлари 2025 йилда Ўзбекистон мезбонлик қилиши режалаштирилган “Марказий Осиё — Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши”нинг олий даражадаги иккинчи саммити арафасида бўлиб ўтди.

Бу йил Кувейт Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгашига раислик қилмоқда. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг жорий йилги маслаҳатлашув учрашуви эса Ўзбекистон раислик қилади. Шу нуқтан назардан, икки давлат ҳам минтақавий ҳамкорликка янги динамика беришда муҳим ўрин тутаяди.

▶ Давоми 2-бетда

Айни сабабдан расмий Тошкентнинг Ал-Кувейт билан олий даражадаги сиёсий мулоқоти Кўрфаз давлатлари билан ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама муносабатларни ривожлантиришга қаратилган. Икки томонлама ҳамкорлик Ўзбекистоннинг ички иқтисодий манфаатларига хизмат қилса, минтақавий мулоқот платформаси ташқи сиёсий мақсадларга мос келади.

Бу, ўз ўрнида, Марказий Осиё давлатларининг сиёсий жиҳатдан яқдланишини, яъни минтақа номидан биргаликда ва ўзаро манфаатли қарорлар қабул қилиш имкониятини намоён этади. Шунингдек, бу ташқи анъанавий ва янги шериклар билан Марказий Осиёнинг барча давлати манфаатларига тўлиқ жавоб берадиган ҳамкорлик моделини шакллантиришга хизмат қилади.

Бундай вазифаларнинг амалга ошиши Марказий Осиёда инклюзив иқтисодий тараққиёт ва узоқ муддатли сиёсий барқарорликни таъминлаш имкониятини очди. Шу маънода, Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгашига аъзо давлатлар муносиб шерик бўлиши мумкин.

Журналист сафардан қайтди

КЎКАТНИНГ БОҒЛАМИ ҚАНЧА? НИЁЗБОШ ТОМОРҚАЛАРИДАГИ МАНЗАРА

Бир неча йил олдин Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги машҳур Ниёзбошда бўлгандим. Ушанда ёшларга ер ажратилганида уларнинг аксари ўзига берилган майдонда пиёз ва бошқа кўкатлар экишга киришганди. Бир қарашда нега сердаромад бошқа маҳсулотлар туриб, айнан кўкатчиликка қизиқатганларини тушунмаганман. Кейин билсам, ниёзбошликлар азалдан кўкат етиштириш билан шуғулланар экан. Янгийўл тумани эса “кўкатчилар худуди” сифатида танилган, шу йўналиш драйвер ҳисобланади. Аксар аҳолининг асосий даромади шундан — томорқада, иссиқхонада, далада ҳам пиёз, кўкат етиштирилиб, юртимиз бозорларига тарқатилади, катта-катта юк машиналарида хорижга экспорт қилинади.

Тонналаб кўкатлар айнан аҳоли хонадонларидан йиғиштириб олинади. Қизиғи, бу йиллардаги томорқалар унчалик катта ҳам эмас. Бир неча сотихли ерга четдан қараганда, рўзгорни таъминлайдиган маҳсулотлар етиштирилса ҳам катта гапдек кўринади. Аммо аҳолининг айтишича, ҳамма даромад

шу томорқада. Бўлса бордир, ҳар ҳолда юртимизда томорқадан самарали фойдаланиш бўйича яхшигина тажриба шаклланиб борапти. Бу борада ўз тажрибасини яратётган худудлар ҳам бор.

▶ Давоми 4-бетда



“ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ” — Бугуннинг гапи

БАРҚАРОР ЭКОЛОГИК РИВОЖЛАНИШ ДВИГАТЕЛИ

Бугунги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатлари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш иқтисодиёт учун юк деб ҳисобланадиган анъанавий моделдан барқарор экологик ривожланиш двигатели — “яшил иқтисодиёт” моделига ўтиш йўлида ўз сиёсатини тубдан қайта кўриб чиқмоқда.

Янги глобал “яшил” ривожланишни танлаш тараққиётнинг ягона йўлидирдан бири сифатида жаҳон иқтисодиёти ва молиявий тизимининг барқарорлиги, инсоният тараққиётининг бардавомлигини таъминлайди.

Бутун дунёда углеводород хомашёси захиралари табиий равишда камайиб бораётгани “яшил” энергия манбаларига ўтиш ва юзага келатган иқлим ўзгаришларига мослашиш жараёнини янада жаддалаштирмоқда.

Экологик тоза энергиядан фойдаланишнинг асосий долзарблиги шундаки, сайёрамизда ҳосил бўлаётган глобал экологик муаммолар, шу жумладан, иқлим ўзгариши, атроф-муҳитнинг ҳаддан ташқари ифлосланиши, чўлланиш келтириб чиқараётган салбий оқибатлар кўламини борган сари кенгайиб, таъсири ортомқда. Умуман олганда, вазият кескинлашиб бормоқда.

Маълумотларга кўра, ҳозир дунёда йилгига атмосфера ҳавосига 34 миллиард

тонна ис гази чиқарилади, иссиқлик газлари эмиссиясининг умумий ҳажми эса 41 миллиард тоннани ташкил этади.

Ушбу кўрсаткичлар ўтган асрнинг 50-йилларидагидан 3,8 баробар ўсган. Боз устига, углеводород энергияси манбалари ресурслари чегаралангани, ҳажми камайиши муқобили энергетикани ривожлантириш чораларини кўришни бугунги куннинг чекштириб бўлмас шартли вазифаси ўлароқ кун тартибига олиб чиқмоқда.

Шу нуқтан назардан, сўнгги йилларда дунёда “яшил” энергетиканинг асосий манбаи бўлиши қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш шиддат билан ривожланмоқда. 2022 йилда қайта тикланувчи энергия мосламаларининг

ўрнатилган умумий қуввати 3372 гига-ваттни ташкил этган бўлса, 2023 йилга келиб, 3700 гига-ваттга етди. Жумладан, гидроэнергетика қувватлари 21 гига-ватт, шамол энергетикаси 75 гига-ватт, қуёш энергетикаси 191 гига-ватт, биоэнергетика 7,6 гига-ватт, геотермал энергетика эса 181 гига-ваттга ошди.

2024 йил якуни бўйича дунёда қайта тикланувчи энергия мосламаларининг умумий қуввати 4600 гига-ваттга етди. Мазкур йўналишда ўтган йили Хитой рекорд кўрсаткичларга эришиб, қувватлари қуёш энергетикаси бўйича 18 фоиз, шамол энергетикаси бўйича 45 фоиз кўпайди.

▶ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН – КУВАЙТ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЯНГИ МОДЕЛИ

Бошланиши 1-бетда

Айниқса, Кўрфаз давлатларининг биргаликдаги йирик иқтисодий имкониятлари Марказий Осиёнинг кейинги тараққиётига янада катта туртки бериши кутилмоқда.

Иккинчидан, Ўзбекистон ва Кувайт ўртасидаги истиқболдаги ҳамкорлик икки давлатнинг халқаро майдонда глобал барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш каби кенг қамровли устувор мақсадларига мос келади. Ташқи сиёсий кун тартибидagi ўхшаш қарашлар эса икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни мустақамловчи яна бир муҳим омилдир.

Шу сабабли музокаралар жараёнида давлат раҳбарлари минтақавий ва халқаро кун тартибидagi долзарб масалалар бўйича фикр алмашиб, кенг қамровли шерикликни ривожлантиришга келишиб олди. Томонлар, шунингдек, БМТ, ИХТ, ШХТ ва Қўшилмаслик ҳаракати каби нуфузли халқаро тузилмалар доирасида ўзаро қўллаб-қувватловни давом эттириш муҳимлигини таъкидлади.

Учинчидан, икки давлат муносабатларида иқтисодий ҳамкорлик устувор аҳамият касб этмоқда. Шу ўринда олий даражадаги урдушувлар арафасида Ўзбекистон — Кувайт бизнес-форуми ташкил этилганини таъкидлаш лозим. Қолаверса, Ўзбекистон Президенти Кувайтнинг қатор йирик компаниялари раҳбарлари билан алоҳида учрашувлар ўтказди. Улар орасида “Gulf Care General Trading” (тибиёт), “Kamco Invest” (инвестициявий банкни), “Kuwait Investment Company” (инвестиция), “Al Intiaz Investment Group” (молия), “Action Group Holdings” (энергетика/инфраструктура), “Agility Logistics” (транспорт) каби етакчи компаниялар бор.

Юқоридагиларнинг барчаси томонлар учун ишбилармон доиралар билан алоқаларнинг аҳамияти сиёсий мулоқот аҳамиятидан кам эмаслигини кўрсатмоқда. Зеро, икки давлат ҳам хусусий тадбиркорлик ривожига миллий иқтисодиёт драйвери сифатида қарайди. Ўзаро муносабатларнинг кейинги тараққиёти эса, биринчи навбатда, Ўзбекистон ва Кувайт давлатлари аҳолиси учун манфаатли бўлиши лозим. Шаклланаётган Ўзбекистон — Кувайт ҳамкорлик моделида юқоридаги тамойил асосий ўрин тутмоқда.



“Икки давлат ҳам чуқур трансформация даврининг ажралмас қисми бўлган жадал урбанизация босқичини босиб ўтмоқда. Яъни шаҳар аҳолиси сони тезлик билан кўпаймоқда. Шунинг учун “ақлли” шаҳарлар қуришдаги ҳамкорлик Ўзбекистонга шаҳар инфраструктурасини замонавий технологияларни интеграция қилган ҳолда ривожлантириш имконини беради.”

Зотан, давлатимиз раҳбарининг Кувайтга илк ташрифи муносабатларнинг иқтисодий таркибини кенгайтириш учун фавқулодда самарали бўлди.

Шу ўринда эришилган муҳим келишувлар ва истиқболларга ургу берган ҳолда Ўзбекистон — Кувайт муносабатлари янги моделининг бир қанча устувор йўналишини кўрсатиб ўтиш жоиз.

Савдо соҳасидаги ҳамкорлик

Томонлар ўзаро савдо алмашинуви ҳажмини кўпайтириш ниятида. Кувайт Ўзбекистон миллий маҳсулотлари учун янги йирик бозорга айланиши мумкин. Араб томони йилга ўртача 50 миллиард доллар миқдоридagi маҳсулотларни импорт қилади. Бу ўзбек миллий ишлаб чиқарувчилари учун янги имкониятларни очади. Шунинг учун Ўзбекистон Ал-Кувайт шаҳрида савдо уйини очиб бўйича келишувга эришди. Мақсад Ўзбекистон миллий маҳсулотларини

Кувайтдаги потенциал харидорларга танитиш, миллий брендларнинг танилишини ошириш ва бозордаги мавқени мустақамлашдир.

Инвестициявий ҳамкорликнинг янги босқичи

Кувайт йирик инвестициявий имкониятларга эга мамлакат. Шу сабабли Ўзбекистон араб томони билан инвестиция йўналишида ҳамкорлик қилишдан манфаатдор. Учрашувда Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жағмағмаси билан янги ҳамкорлик дастури доирасида лойиҳалар портфелини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Қолаверса, икки томонлама “Инвестиция платформаси” яратиш бўйича режалар эълон қилинди. Иқтисодий соҳада имзоланган келишувлар тўплами эса деярли 5 миллиард долларни ташкил этди.

Кувайт йиллик хизматлар импортининг деярли ярми туризм соҳасига тўғри келади. Кувайтлик сайёҳлар чет элда 10 миллиард доллардан ортқ пул сарфлайди. Ўзбекистон бой маданий мероси, Шарқ илм-фани ва ислом маданиятининг тарихий марказларидан бири сифатидаги мақоми туфайли кувайтлик сайёҳлар учун муҳим туризм йўналишлардан бирига айланиши мумкин. Шу ўринда икки томонлама музокараларда имзоланган Туризм соҳасида 2025-2027 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури Ўзбекистонга араб туристлар оқимини бир неча баробар кўпайтириш имконини беришини алоҳида таъкидлаш ўринли.

Икки томонлама учрашувда савдо соҳасидаги ҳамкорлик бўйича шартнома имзоланиши ва Ишбилармонлар

кенгашини тузиш ҳақида биргаликдаги режалар эълон қилиниши орқали “Ўзбекистон — Кувайт” қўшма корхоналарини яратиш йўлида тамал тоши қўйилди. Муносабатларнинг бундай ривожланиши икки томон учун ҳам фойдалидир.

Зотан, қўшма корхоналар икки мамлакатнинг ҳам ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириб, янги иш ўринлари очилишига сабаб бўлади. Қолаверса, санат кооперацияси Ўзбекистон ва Кувайт учун учинчи давлатлар бозорига чиқиш имкониятини кенгайтиради.

Энг муҳими, ҳамкорлик инновацион йўналишда ҳам ривожланмоқда. Бунга “ақлли” шаҳарлар қуриш бўйича шартнома имзолангани мисол бўлади. Мазкур соҳада Ўзбекистон Кувайтнинг бой тажрибасидан фойдаланиши мумкин.

Икки давлат ҳам чуқур трансформация даврининг ажралмас қисми бўлган жадал урбанизация босқичини босиб ўтмоқда. Яъни шаҳар аҳолиси сони тезлик билан кўпаймоқда. Шунинг учун “ақлли” шаҳарлар қуришдаги ҳамкорлик Ўзбекистонга шаҳар инфраструктурасини замонавий технологияларни интеграция қилган ҳолда ривожлантириш имконини беради.

Бундан ташқари, икки томон ўртасида маданият, таълим ва технологиялар соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш борасида ҳам кенг имконият мавжуд. Бу эса иқтисодий-ижтимоий муносабатларнинг янги босқичга кўтарилишига хизмат қилади.

Икки давлат етакчиларининг олий даражадаги учрашуви Ўзбекистон ва Кувайтга ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг мутлақо янги моделини яратиш имконини бермоқда. Муносабатларнинг бундай ривожланиши давлатларимиз иқтисодий тараққиётнинг муҳим палласини бошдан кечираётган бир даврда, айниқса, фойдали бўлади.

Қолаверса, Ўзбекистон — Кувайт муносабатларининг янги босқичи “Марказий Осиё — Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши” доирасидаги кўп томонлама формат ривож учун ҳам яна бир пойдевор яратади.

Азиз КАРИМОВ,
Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти етакчи илмий ходими



“ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ” – БАРҚАРОР ЭКОЛОГИК РИВОЖЛАНИШ ДВИГАТЕЛИ

Бошланиши 1-бетда

Шунга қарамай, жаҳонда, айниқса, Европада энергетик инқироз ҳамон давом этмоқда. Ушбу қитъада содир бўлган энергетик инқироз, асосан, атроф-муҳит ҳолати билан бевосита боғлиқлиги билан тавсифланади.

Бугунги кунга келиб, жаҳонда энергияга талаб йилдан йилга ошгани сари кўплай ривожланган мамлакатлар (АҚШ, Япония, Хитой, Буюк Британия ва Европанинг бир неча давлати)да энергия танқислиги вужудга келмоқда.

Айни пайтда мамлакатимизда йилга 81 миллиард киловатт электр энергияси ишлаб чиқилади. Сўнгги йилларда иқтисодиётимизнинг жадал ўсиши (ЯИМ йилга ўртача 5-6 фоиз ўсмоқда) ва аҳолининг йилга 700-800 мингга кўпайишини инобатга оладиган бўлса, мутаносиб равишда энергияга талаб ҳам ортиб бормоқда. Ҳисоб-китобларимизга кўра, 2030 йилга бориб, энергияга талаб йилга камда 117-120 миллиард киловаттга етади.

Мана шундай шароитда Ўзбекистонда изчил ва босқичма-босқич амалга оширилаётган давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги ислохотлар доирасида “яшил иқтисодиёт”га ўтиш ва барқарор ривожланиш мақсадларига самарали эришиш жараёнини тезлаштиришга қаратилган масалалар илгари сурилиб, иқлим ўзгаришига қарши курашиш устувор вазифалардан бири экани белгилаб олинмоқда.

Ўзбекистон энергетика секторининг “яшил иқтисодиёт”га ўтиш жараёнида қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш асосий роль ўйнайди. Чунки юртимиз бу борада мислсиз табиий захираларга эга. Шу бонис, республикамизда қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётир.



“Ўзбекистон энергетика секторининг “яшил иқтисодиёт”га ўтиш жараёнида қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш асосий роль ўйнайди. Чунки юртимиз бу борада мислсиз табиий захираларга эга. Шу бонис, республикамизда қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётир.”

Биринчи навбатда, қайта тикланувчи энергия манбаларининг ҳуқуқий асослари яратилди. 2019 йили “Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида”ги қонун, Президентимизнинг муҳим ва концептуал фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Тизимли фаолият натижасида 2024 йилга келиб, мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбаларининг умумий қуввати 4500 мегаваттга етди ва унинг умумий энергетика тармоғидagi улуши 16 фоизни ташкил қилди.

Биргина 2024 йилнинг ўзида қайта тикланувчи энергия манбалари ҳисобидан қарийб 1 миллиард куб метр табиий газ тежаланишига эришилди ва атмосферага 1 миллион 400 минг тонна иссиқлик газлари чиқилишининг олди олинди.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясига асосан, 2030 йилга бориб, умумий қуввати 25,7 миллиард киловатт электр энергияси қувватлари ишга туширилади. Шундан 6178 мегаватт қуёш, 10 452 мегаватт

шамол, 3269 мегаватт гидро ҳамда 5821 мегаватт иссиқлик энергияси қувватларини фойдаланишга топириш режалаштирилган.

Мамлакатимиз 2030 йилга қадар қайта тикланувчи энергия манбалари улушини электр энергиясини ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 40 фоизига етказишни режалаштирган. Шу билан бирга, энергетика хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим. Хусусан:

— энергетика тармоғини янада диверсификация қилиш;

— илгор муқобил энергия янги турларини, жумладан, самарали ва экологик тоза водород ёқилгисидан кенг фойдаланишни жорий этиш. Водороднинг ёқилги сифатида афзаллиги шундаки, у ёнганида нафақат экологик тоза сув бўғини ҳосил қилади, балки органик ёқилгиларга нисбатан энергия захираси юқори бўлиб, бир тонна водород ёнганида 3,5 тонна органик ёқилги ёнгандагига тенг иссиқлик ажралиб чиқади;

— айрим объектларни автоном (локал) электр энергияси билан таъминлаш тизимига ўтказиш керак. Чунки электр энергиясини узоқ масофаларга етказиб беришда унинг йўқотилиши таъминлаш 18 фоизни ташкил этади;

— қуёш панеллари ва шамол генераторлари ишлаб чиқаришни кенг равишда маҳаллийлаштириш;

— қайта тикланувчи энергия манбалари самарадорлигини ошириш бўйича илмий тадқиқот ишларини жадаллаштириш;

— хоналарни иситиш ва иссиқ сув олиш учун қуёш коллекторларини (иқлим шароитимизга вакуум коллекторлари мос келади) кенг қўламли ўрнатишни ташкил этиш;

— юқори энергия сифимли технологияларни хатлов қилиш. Чунки бизда ҳар бир ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлигига

ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА АДОЛАТ УЧУН ПАРЛАМЕНТ ҲАРАКАТИ

ЎЗБЕКИСТОНДА ШУ МАВЗУДА НУФУЗЛИ ТАДБИР ЎТКАЗИЛАДИ

Президентимиз таклифига асосан, 2025 йил 5-9 апрель кунлари Парламентларо Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеяси Ўзбекистонда бўлиб ўтиши белгиланган. Парламентларо Иттифоқ дунё мамлакатларининг қонун чиқарувчи органлари учун глобал мулоқот майдонидир. Унинг доирасида муҳокама қилинган масалалар жаҳон ҳамжамияти эътиборига тақдим этилади. Ўзаро алоқаларни рағбатлантириш, халқаро тинчлик ҳамда ҳамкорликни мустақамлашда биргаликда фаолият юритиш учун парламентларни бирлаштириш мазкур ташкилотнинг асосий вазифаларидан биридир.

Швейцариянинг Женева шаҳрида Парламентларо Иттифоқ бош котиби Мартин Чунгон ва Олий Мажлис Сенати раиси Танзила Норбоева ўртасида ташкилотнинг 150-юбилей ассамблеясини 2025 йили Ўзбекистонда ўтказиш тўғрисидаги битим имзоланган.

Эътиборли жиҳати, 190 га яқин мамлакат парламентини бирлаштирган ушбу тузилма ўзининг юқори органи — ассамблеяни парламентаризм ва барқарор ривожланишнинг ижобий таърибаси мавжуд давлатлардагина ўтказилади.

Бундай нуфузли тадбирнинг нафақат юртимизда, балки Марказий Осиё минтақасида илк бор ўтказилиши тарихий воқеадир. Бунга Ўзбекистон парламентининг Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишдаги фаол иштироки, норматив-ҳуқуқий базанинг халқаро стандартларга мос такомиллаштирилиши, парламент даражасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва гендер тенглик масалаларини илгари суриш, Ўшлар парламенти доирасида уларнинг қонун ижодкорлиги фаолиятига кенг жалб этилиши билан изоҳлаш мумкин.

Бугун Парламентларо Иттифоқ нуфузи дунё миқёсида ортиб бормоқда. Мазкур ташкилот фаолияти мисолида ҳозирги халқаро муносабатлар мезонлари самарадорлиги яққол намоён бўляпти.

Ўзбекистон Парламентларо Иттифоққа 1992 йилда аъзо бўлган. 2017 йилдан мазкур ташкилотдаги аъзолигини қайта тиклаган. Ҳозир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Парламентларо Иттифоқ билан фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўтган қисқа муддатда мамлакатимиз мазкур иттифоқнинг ажралмас қисмига айлангани, ҳамкорликда Бухоро шаҳрида Барқарор ривожланиш мақсадларига бағишланган халқаро парламент форуми ҳамда Тошкент шаҳрида Парламентларо Иттифоққа аъзо давлатлар парламентлари аёл раҳбарлари 14-саммити муваффақиятли ўтказилганини эътироф этиш лозим.

Мазкур ассамблеянинг бош мавзуси “Ижтимоий тараққиёт ва адолат учун парламент ҳаракати” деб номланиб, тадбир доирасида дунё парламентларининг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, камбағалликни қисқартириш, ҳуқуқ устувор-

лигини ва гендер тенгликни таъминлаш, илм-фан ва технология, ёшлар масалаларига бағишланган тури тадбирлар ташкил этиш борасидаги ислохотлар юзасидан тажриба алмашиши кўзда тутилган.

Шу билан бирга, Парламентларо Иттифоқ ассамблеясининг мамлакатимизда ўтказилиши Ўзбекистон парламенти фаолияти билан танилиши, 2030 йилгача бўлган стратегияни амалга оширишда парламентлар иштирокини кенгайтириш, барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш, инсон ҳуқуқлари, иқлим ўзгаришига қарши курашишда парламентлар ҳамкорлигини кўриб чиқиш имконини беради.

Анжуман натижаларига кўра, жаҳон парламент ҳаракатининг ўрта ва узоқ муддатли истиқболдаги устувор йўналишларини белгилаб берадиган тегишли ҳужжатлар, Тошкент декларацияси ва Парламентларо Иттифоқ резолюцияси қабул қилиниши белгиланган.

Жамила БОБОНАЗАРОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси

Борий АЛИХОНОВ,
Наримон УМАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари

Буюк ўзбек йўли

Гўдакнинг илк кўникмалари шаклланаётганда у онаси билан кўпроқ вақт ўтказди. Шу боис, Учинчи Ренессансга барпо этиш йўлидан бораётган Ўзбекистонда бутун жамиятнинг илми, маърифатли қилишга катта эътибор берилмоқда. Бунинг учун биз, аввало, китобхон авлодни шакллантиришимиз керак.



Боборавшан ҒОЗИДДИНОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Бошланиши 1-бетда

Яна бир муҳим жиҳат илмий даража олишдаги ислохотлардир. Сунъий тўсиққа учраб, йиллар давомида чанг босиб ётган илмий изланишлар ўзгаришлар сабаби иш столига қайтди. Таълимнинг юқори босқичларини давом эттирадиган ёшлар сафи кескин кўпайди. Натига қувонарли, ўтган даврда илмий даражали ёш олимларимиз сони 2 қарра ошди, 4357 нафарга етди. Мазкур рақамнинг ўзиёқ янги Ўзбекистонда инсон капиталига тикилаётган сармов, қаратилаётган эътибор катта самара бера бошлаганини кўрсатади. Келинг, яхши аниқ фактларга ўтсак.

Олтириқлик 18 ёшли Азизбек Зайлобидинов Гарвард университетидан 100 фоизли грант олди. Бу дегани, унинг АКШдаги 4 йиллик ўқиш харажатлари қоплаб берилди. Олтириқликнинг дунёнинг олд олийгоҳида бундай натижага эришиши замирида айнан кейинги йиллардаги ислохотлар ётибди, десак муболага бўлмайди. Муҳим жиҳат шундаки, Азизбек ижтимоий лойиҳалар, айниқса, "Ibrat debate" лойиҳасида ишлаган. Билим ва кўникмаларини мустақамлаган. Ана шу изланишлари бугун самара берган. Ҳа, агар бундай лойиҳалар бўлмаганида Азизбек илмий салоҳияти, имкониятидан вақтида самарали фойдаланиши сўроқ остида қолган бўларди, эҳтимол.

Кувонарлиси, у каби ёшлар кўпайиб боради. Бунга давлатимиз раҳбарининг ёшлар билан мулоқоти чоғида гувоҳ бўлдик. Ҳозир дунёдаги нуфузли университетларда 1,5 мингдан зиёд талабамиз тахсил оляпти. Аввалги 25 йил ичида давлат ҳисобидан 800 йилит-қиз хорижга ўқишга кетган бўлса, биргина "Эл-юрт умиди" жамғармаси орқали сўнгги 7 йилда 2300 ватандошимиз шундай имкониятга эга бўлган.

Шу ўринда кичик мулоҳаза. Агар мана шундай имконият, шариқат йўлида қониди улуғ аждодлардан мерос юксак илмий тафаккур яширин бўлган шунча ёш ўз йўлини топа олармиди? Улар ўз имкониятидан тўла фойдаланиб, бугунги даражага эришармиди? Мазкур саволларнинг жавоби таълимга эътиборнинг қанчалик муҳим эканини кўрсатади.

Альберт Эйнштейн "Заковат ўқиш-ўрганиш эмас, унга эришиш йўлидаги харақатлар мевасидир", деган эди. Бугун эса ёшлар учун илмга эришиш йўлида бемалол харақат қила олиш имконияти яратиб берилмоқда. Бундан барчамиз ҳақли равишда фахрланамиз. Чунки бу, юқорида айтганимиздек, бебаҳо бойлик, инсон капиталини юксалтиришда муҳим қадам.

Аммо яна бир ҳақиқатни унутмаслик керак. XXI аср ютуқларга маҳлиё бўлиб ўтиришни хушламайди. Зеро, бизни куатётган келажакка муносиб тарзда ҳозирлик кўриб, муттасил равишда олға харақат қилиш зарур. Шу боис, Президентимиз ёшлар таълими борасида қатор янги ташаббусларни илгари сурди.

Масалан, Олмазор туманидаги 10 та мактабда муҳандислик лабораториялари ташкил қилинди. Бугун ушбу лабораторияларда 2 минг ўқувчи робототехника ва илгор технологияларни ўрганмоқда. Барча туманлар ҳокимлиқлари ва таърибани ўрганиб, оммалаштириш, ўз ҳудудида 5 тадан мактабни шундай лабораториялар билан жиҳозлаш топирилади.

Бундан ташқари, 36 та техника олийгоҳи ректорлари сунъий интеллект, робототехника, дрон, киберхавфсизлик каби иختирослик йўналишларида "Олийгоҳ кубоги"ни эълон қиладиган бўлди. Эътиборлиси, энг яхши стартап лойиҳалар тижоратлаштирилади.

ЁХУД ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИГА ҚАРАТИЛАЁТГАН ЭЪТИБОРГА БИР НАЗАР

Қолаверса, келгуси ўқув йилидан бошлаб ўқувчилар ўртасида муҳандислик олимпиадалари ва танловлари ўтказилади. Негаки ҳозир физика, кимё, технология, муҳандислик, математика каби STEM фанлар аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Ҳозирданок ўқувчиларни ушбу фанларга йўналтириш, рағбатлантириш асосида пухта ўқитиш халқимиз болаларининг халқаро кескин рақобатга бардошли бўлиб ўсишига замин яратади. **Мазкур учрашув ана шундай жиҳатлари сабаб ҳам тарихий воқеа дейишга тўла арзийди.**

Шу ўринда кичик мулоҳаза. Юқорида келажакда илмий тафаккурга эҳтиёж қарасига ошиб кетиши ҳақида айтган эдик. Кейин ёшларни ўша рақобатга бардошли қилиш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган айрим ўзгаришлар ҳақида тўхтадик. Ҳўш, шу билан масалага ечим топиладими? Яқин келажакда 40 миллионлик нуфусни забт этадиган халқимиз етарлича илмга эга бўладими? Назаримда, ислохотларнинг ўзи етарли эмас. Яъни мана шу имкониятлар, ислохотларга мос равишда жамият ҳам ўзгариши шарт. Такрор бўлса-да айтаемиз, аксариятими илмий рақобатга тўла келажак ҳақида ўйлаб ҳам кўрган эмасмиз. Агар ундай бўлмаганида эди, ўқитувчилар нуфузини ошириш учун уларнинг маоши қаррасига кўпайишни кутиб ўтирмадик. Болаимизга дакки берган ўқитувчи ёнига мушт эмас, гул кўтариб борган бўлардик. Бир йил олий таълимга қабул қилинмаган фарзандимизни "Ундан кўра ишлаб пул топ, эрта-индин оилангни қандай боқасан", дея хорижга ишга қувиб юбормаган бўлардик.

Тўғри, бугун қанча қийналмасин, болалари ўқишига алоҳида эътибор бераётган ота-оналар бор. Афсуски, уларнинг сафи унча катта эмас. Биз ўқиб, том маънода академик илм олишни эмас, яхшироқ жойда ишлаш, кўпроқ пул топиш ҳақида қайирамиз. Ҳаётини ҳисоб-китобимиз ҳам шунга яраша. Шу боис, ҳамон тўйлар биз учун энг муҳим воқеа. Бор топган-тутганимизни шунга сарфлаймиз. Ҳўш, шундай экан, жамиятнинг ўзгариши учун нима қилиш керак?

Биринчи ўринда, зиёлилар илмни тарғиб этиши шарт. Энди ўқисанг яхши мутахассис бўласан, яхши яшайсан, дейишнинг ўзи қийф эмас. Бунга қўшиб юқорида айтганимиз — рақобатга тўла келажак ҳақида кўпроқ маълумот бериш керак. Қолаверса, оилаларда илмий даражани оширишга ургу бериш зарур. Бу борада бажарилиши керак бўлган вазифага давлатимиз раҳбари ана бир бор тўхталиб ўтди ва: **"Мен бир ҳаётини фикрини такрорлашдан чарчамайман: битта қизни ўқитсак, бутун оилани ўқитган бўламиз. Оила билимли, маърифатли бўлса, бутун жамият билимли, маърифатли бўлади. Бу борадаги ишларни янада жадл давом эттирамиз"**, деди.

Яна бир қувонарли ҳолат, хотин-қизларга контракт пули давлат томонидан қоплаб берилётгани сабаб талаба қизлар сони 11 қарра кўпайган. Энди қизлар таълими янада кенг қўлоч очини, қизларимиз — миллатнинг бўлажак оналари сунъий интеллектдан ҳам билимдонроқ бўлиши керак.

Қизлар таълими борасида ҳам жамиятимида қотиб қолган қараш бор. Эртага барибир бу соҳада ишламасанг, ўқиб нима қиласан, деймиз. Ана шу вақт билан уларнинг ўқишига ё умуман руҳсат берилмайди ёки ўзларига ёқмайди, лекин ишлаши мумкин бўлган саноқли касбларга йўналтирилади. Мажбурий танлов сабаб уларнинг илмий салоҳияти тўла очилмай қолиб кетиши эҳтимол юқори. Чунки бутунлай бошқа фан ёки жаҳода истеъдоди бўлгани сабаб бу соҳага умуман қизиқмайди.

Бугун қизларни ўқитишда эътибор қиладиган жиҳатларимиздан энг муҳими касб танлови эркинлигини тўла беришдир. Зеро, юқорида бўлажак оналар сунъий интеллектдан ҳам билимдонроқ бўлиши керак, дедик. Бу муболага гап эмас. Ҳаётини эҳтиёж, қизлар таълимининг нечоғлиқ муҳим эканига ишора.

Келинг, соддароқ тушунтирамиз. Ҳозир дунёда жуда галати тенденция кузатиламоқда. Яъни биз билмаган нарсаларимизни ота-онамиздан сўрадик. Улар бунинг жавобини билмасамиз ҳам ҳаётини тажрибасидан келиб чиқиб жавоб беради. Еки китоб ва рақларди. Ҳозир оилавий ўтирганнимизда бахли савол туғилиб қолса, ҳамин мактабга чиқмаган боламиз: "Интернетдан қараб кўринг", дейди. Чунки болаларимиз ҳам ўзимиз каби ҳамма саволларнинг жавоби интернетда деб ўйлайди.

Тўғри, тармоқларнинг имконияти кенг. Айниқса, сунъий идрок исталган саволга жавоб беради. Аммо у тақдими эътиётан жавоблар доим ҳам тўғри бўлмайди. Демократиклик, сунъий идрокка қарам бўлиб қолмаслик, уни бошқара олиш учун ҳам оналар билимдон бўлиши керак. Зеро, онанинг илмий тафаккури кўпроқ болада акс этади.

Қолаверса, гўдакнинг илк кўникмалари шаклланаётганда у онаси билан кўпроқ вақт ўтказди. Шу боис, Учинчи Ренессансга барпо этиш йўлидан бораётган Ўзбекистонда бутун жамиятнинг илми, маърифатли қилишга катта эътибор берилмоқда. Бунинг

маҳалларга текин етказиб бериш, балки ёшларга уни ўқиб бериш ҳам оммалашмоқда. Бир гуруҳ фаол ёшлар томонидан яратилган "Мутулаа" лойиҳаси ишга тушди. Махсус иловадаги китобларни гаджетлар орқали ўқиш ҳам, тинглаш ҳам мумкин. Бунинг учун профессионал овоз устаслари, актёрлар кўмагида китоблар овозлаштирилган. Унинг қўлайликлари жуда яхши. Йўл-йўлакка ҳам китобни тинглаб кетаварасиз. Кейинги сафар илова адишасидан китобни келган жойидан қўйиб беради. Мана шундай имкониятлар сабаб мазкур илова орқали 1 миллиондан ортиқ ёш китобхона қаторига кирди.

Бир вақтлар сотиб олмаган китобини ижарага олганимиздай, ҳозир ёшлар топа олмаган китобларини мазкур лойиҳа сабаб бепул ўқияпти. Масалан, лойиҳанинг

учин би, аввало, китобхон авлодни шакллантиришимиз керак. Республика матбуотидаги илк катта чиқишим китобхонлик, аниқроғи, ёшларнинг китоб ўқимаслиги тўғрисидаги мақолага акс садо эди. Бу ҳўв ўша, 25 йил олдинги гурунг. Буни эслаганим боиси, ўша пайтда матбуотни кузатиб борардим. Унда доим китоб ўқимаётган ёшлар ҳақида чиқишлар кузатиладди. Мақолам ҳам ўша чиқишлардан бири сифатида ўтиб кетган. Шунча мақолалар эълон қилинса-да, масала журналистлар, зиёлилар томонидан қўндаланг қўйилса ҳам китобхонлик борасида бирор жиддий иш қилинганини эслаб олмаман. Ёдимда қолгани, ўша вақтда собиқ қолхозга қарашли ва маҳалламиздаги каттагина кутубхоналар бизга номаълум сабабларга кўра кўчириб кетилганди.

Кўзини, иккала кутубхона ҳам биздан 20 километр олнисдаги коллеж биносидан жой олди. Ачинарлиси, қўчириш жараёнида қанчадан қанча китоблар йўқолди, яна бир талайи маҳаллий "мафкура" шириниқидан ўта олмади. Бунинг ўшидан ҳаваскор журналист, ўша кутубхоналар азоси сифатида юрагим ачишиб, жим кузатганман.

Яна бир ҳаётини воқеа. Айнан ўша йилларда маҳалладошимиз Қўлмуҳаммад ака бозорда газета-журнал сотарди. Бир сафар борсам, қатор қилиб янги китобларни тахлаб қўйибди. Китобнинг нархи фалон сўм. Агар сотиб олишга қийналсанг, ижарага ол, деди.

Ҳа, ўша пайтда маҳалладошим китобини арзимас пулга ижарага беришни йўлга қўйган эди. Кўзини, ижарадаги китобларни олиш учун наваб кутардик. Демократиклик, халқимиз ҳеч қачон китобдан бутунлай узоқлашмаган. Ҳатто биз оммавий равишда ёшларни китоб ўқимаслиққа айблаган бўлсак ҳам! Шунчаки, китоб ўқишга имконият, шариқат етарли бўлмаган. Бор имкониятлар ҳам кутубхоналарни марказлаштириш баҳона мутулаадан пулни иқтисод қилишга қаратилган ишлар сабаб йўққа чиқарилди. Сира ёдимдан чиқмайди, хаста ёпишган одамдай қўлимдан маҳкам тутиб олган бир зиёли акамиз газетгага ёзинг, кутубхонамизни сақлаб қолайлик, деган эди.

Ҳозир китоб ўқигани учун машина берилишига ҳам кўникиб бўлдик. "Китобсевар миллат" гоёси асосида ёшларда мутулаа маданиятини шакллантириш умуммиллий харақатга айланди. Қувонарлиси, анъанавий тарзда ўтказилаётган "Ёш китобхон" танловиди иштирокчилар сони 6 қарра ошди, 3 миллион нафарга етган. Машина ютиб олиш рағбати ёшларни китоб билан муттасил машғул бўлиш, ўқиганларини раван тилда баён этиш кўникмасини ўзлаштиришга сабаб бўлди. Яъни биргина танлов сабаб дунёқараши кенг, фикрини раван ифода эта оладиган ёшлар сафи кенгайди.

Юқорида китобини ижарага берадиган маҳалладошим мисолида мутулаага имкон яратилиш ҳақида айтдик. Ҳозир нафақат янги китобларни чоп этиш, уларни мактаблар,

маҳалларга текин етказиб бериш, балки ёшларга уни ўқиб бериш ҳам оммалашмоқда. Бир гуруҳ фаол ёшлар томонидан яратилган "Мутулаа" лойиҳаси ишга тушди. Махсус иловадаги китобларни гаджетлар орқали ўқиш ҳам, тинглаш ҳам мумкин. Бунинг учун профессионал овоз устаслари, актёрлар кўмагида китоблар овозлаштирилган. Унинг қўлайликлари жуда яхши. Йўл-йўлакка ҳам китобни тинглаб кетаварасиз. Кейинги сафар илова адишасидан китобни келган жойидан қўйиб беради. Мана шундай имкониятлар сабаб мазкур илова орқали 1 миллиондан ортиқ ёш китобхона қаторига кирди.

Бир вақтлар сотиб олмаган китобини ижарага олганимиздай, ҳозир ёшлар топа олмаган китобларини мазкур лойиҳа сабаб бепул ўқияпти. Масалан, лойиҳанинг

маҳалларга текин етказиб бериш, балки ёшларга уни ўқиб бериш ҳам оммалашмоқда. Бир гуруҳ фаол ёшлар томонидан яратилган "Мутулаа" лойиҳаси ишга тушди. Махсус иловадаги китобларни гаджетлар орқали ўқиш ҳам, тинглаш ҳам мумкин. Бунинг учун профессионал овоз устаслари, актёрлар кўмагида китоблар овозлаштирилган. Унинг қўлайликлари жуда яхши. Йўл-йўлакка ҳам китобни тинглаб кетаварасиз. Кейинги сафар илова адишасидан китобни келган жойидан қўйиб беради. Мана шундай имкониятлар сабаб мазкур илова орқали 1 миллиондан ортиқ ёш китобхона қаторига кирди.

Бир вақтлар сотиб олмаган китобини ижарага олганимиздай, ҳозир ёшлар топа олмаган китобларини мазкур лойиҳа сабаб бепул ўқияпти. Масалан, лойиҳанинг

маҳалларга текин етказиб бериш, балки ёшларга уни ўқиб бериш ҳам оммалашмоқда. Бир гуруҳ фаол ёшлар томонидан яратилган "Мутулаа" лойиҳаси ишга тушди. Махсус иловадаги китобларни гаджетлар орқали ўқиш ҳам, тинглаш ҳам мумкин. Бунинг учун профессионал овоз устаслари, актёрлар кўмагида китоблар овозлаштирилган. Унинг қўлайликлари жуда яхши. Йўл-йўлакка ҳам китобни тинглаб кетаварасиз. Кейинги сафар илова адишасидан китобни келган жойидан қўйиб беради. Мана шундай имкониятлар сабаб мазкур илова орқали 1 миллиондан ортиқ ёш китобхона қаторига кирди.

Бир вақтлар сотиб олмаган китобини ижарага олганимиздай, ҳозир ёшлар топа олмаган китобларини мазкур лойиҳа сабаб бепул ўқияпти. Масалан, лойиҳанинг

маҳалларга текин етказиб бериш, балки ёшларга уни ўқиб бериш ҳам оммалашмоқда. Бир гуруҳ фаол ёшлар томонидан яратилган "Мутулаа" лойиҳаси ишга тушди. Махсус иловадаги китобларни гаджетлар орқали ўқиш ҳам, тинглаш ҳам мумкин. Бунинг учун профессионал овоз устаслари, актёрлар кўмагида китоблар овозлаштирилган. Унинг қўлайликлари жуда яхши. Йўл-йўлакка ҳам китобни тинглаб кетаварасиз. Кейинги сафар илова адишасидан китобни келган жойидан қўйиб беради. Мана шундай имкониятлар сабаб мазкур илова орқали 1 миллиондан ортиқ ёш китобхона қаторига кирди.

Бир вақтлар сотиб олмаган китобини ижарага олганимиздай, ҳозир ёшлар топа олмаган китобларини мазкур лойиҳа сабаб бепул ўқияпти. Масалан, лойиҳанинг

маҳалларга текин етказиб бериш, балки ёшларга уни ўқиб бериш ҳам оммалашмоқда. Бир гуруҳ фаол ёшлар томонидан яратилган "Мутулаа" лойиҳаси ишга тушди. Махсус иловадаги китобларни гаджетлар орқали ўқиш ҳам, тинглаш ҳам мумкин. Бунинг учун профессионал овоз устаслари, актёрлар кўмагида китоблар овозлаштирилган. Унинг қўлайликлари жуда яхши. Йўл-йўлакка ҳам китобни тинглаб кетаварасиз. Кейинги сафар илова адишасидан китобни келган жойидан қўйиб беради. Мана шундай имкониятлар сабаб мазкур илова орқали 1 миллиондан ортиқ ёш китобхона қаторига кирди.

Бир вақтлар сотиб олмаган китобини ижарага олганимиздай, ҳозир ёшлар топа олмаган китобларини мазкур лойиҳа сабаб бепул ўқияпти. Масалан, лойиҳанинг

бирига борган. У мактабда ҚҚБТ фани ўқув хонаси, яратилган шариқотлар, амалий дарс жараёни билан танишган. "Ватан таянчи" харақати азозларининг харбий спорт машғулотларини кузатган ва исталган ўқувчини ўзи билан беллашишга таклиф этган.

Шунда мактабнинг 11-синф ўқувчиси, "Ватан таянчи" харақати азоси Улуғбек Отабеков француз офицерининг таклифини қабул қилган. Улар автоматни сочиш-йиғиш ва армистлинг бўйича ўзаро куч синашган. Эътиборлиси, Улуғбек франциялик офицерни ҳар икки беллашувда ҳам мағлуб этган. Лекин Ўзбекистон Қуролли Кучлар академияси курсантига ютказган.

Шу фактнинг ўзиёқ бошланган ислохотлар, имкониятлар бераётган самарасидир. Энди барча жаҳода тараққийнинг янги босқичига ўтиш бошланди. Хусусан, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида ҳам. Давлатимиз раҳбари ёшлар билан мулоқотида бу борадаги вазифаларни айтиб ўтди. Яъни ёшларимизда ватанпарварлик руҳини кучайтириш бўйича 10-11-синф ўқувчилари ўртасида бошланган "Ватан таянчи" харақати касб-хунар мактаби, техникум ва хусусий таълим ташкилотларида ҳам йўлга қўйилиши белгиланди. Қолаверса, "Ватан таянчи" отрядлари ўртасида "мактаб — туман — вилоят — республика" даражасида спорт мусобақалари ва ижодий танловлар ташкил этиладиган бўлди.

Юқорида дунёнинг ҳозирги ҳолатини айтдик. Умуман, барча замонларда мамлакат тараққийи фақат унинг илмий салоҳияти, иқтисодий барқарорлигига боғлиқ бўлиб қолмаган. Балки ўша иқтисодий тўқлик сабаб илми бун, тафаккури кенг, салоҳиятли ватан посбонлари камол топиши муҳим бўлган. Зеро, юрт сарҳадини асраш доим долзарб вазифадир.

Давлатимиз раҳбарининг ёшлар билан мулоқотида уларнинг бандлигини таъминлаш орқали ҳаётдан рози қилиш, илмий салоҳиятини юзага чиқаришдан тўғри, ўзлигини таниш, улуг аждодларга муносиб авлод бўлиб камол топтиришгача бўлган комплекс масалалар қамраб олинди. Мутасаддиларга мазкур масалалар ечимига қаратилган вазифалар берилди. Буларнинг ҳар бирини битта мақоладаги фикрлар билан ифодалаб бериш мушкул. Аммо бир гапни таъкидлаш керак, Президентимиз: **"Бугунги кунда Ватанимиз ўз тараққийининг янги бир тарихий босқичига қадам қўймоқда. Бу даврда олдимизда илгари дуч келмаган мураккаб вазифалар, гов ва тўсиқлар пайдо бўлиши табиий, албатта. Лекин**

Биз Учинчи Ренессанс тимсолида фозил одамлар диёрини бунёд этмоқчимиз. Агар биз фозил одамлар шахрида яшаш саодатини ҳис эта олсак, унга эришиш учун калбимизда ниҳоятда кучли интилиш туғилади. Ҳозирги қадамларимизни ўша билаңд маррага мослаб ташлаймиз. Бундай қадам ташлаш эса юқорида такрорлаганимиз — келажакни тасаввур қилиб, унга тайёр туришга, бу йўлда ягона халқ, битта ватан бўлиб олға интилишга ундайди. Назаримда, давлатимиз раҳбарининг ёшлар билан учрашувидан кўзланган энг катта максадлардан бири ҳам дилларимиз эришадиган бахт-саодат нима эканини англатишга қаратилган.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДИН СКАНЕР ҚИЛИНГ!



синов даврида энг кўп фойдаланган юртдошимиз аниқлидан, ундан фикр сўралган эди. Ушунда у қизи танловга қатнашиши учун ҳамма китобни топа олмаганини, "Мутулаа" иловаси эса уларга яхши кўмакчи бўлганини айтган.

Биз юқорида бот-бот айтганимиз — истеъдодлар ўзини тўла кўрсата олиши учун, аввало, имконият бўлиши керак. Кейин жамиятдан ўзгаришни кутсак арийди. Яъни кечгаги ўзгаришлар бугун китобхон, маърифатли жамиятга тамал тоши бўлмоқда. Бугунги сай-харақатлар эса сунъий идрокка ҳам дарс берадиган, устозини бошида кўтариб, тўй каби турли тадбирларни камхарж ўтказиш тарафори бўлган жамият шаклланишига ишонч йўғотади.

Гап ишонч ҳақида кетар экан, яна бир қувонарли ҳолатни эслаб ўтмоқчиман. Яқинда ижтимоий тармоқларда мудоффа вазири маслаҳатчиси Олимжон Ўсаров бир қизиқ маълумот улашди. Яъни Ўзбекистон Қуролли Кучлар академиясига қисқа муддатли амалиёт ўташ учун келган Франция армияси кичик лейтенанти Франсуа-Андре мамлакатимиз ёшларини харбий-ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар, хусусан, қақриува қадар бошланғич тайёргарлик тизими билан яқиндан танишиш максасида Юнусобод туманидаги мактаблардан



КЎКАТНИНГ БОҒЛАМИ ҚАНЧА?

Бошланиши 1-бетда

НИЁЗБОШ ТОМОРҚАЛАРИДАГИ МАНЗАРА

Журналист сафардан қайтди



Ирода ТОШМАТОВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Шу йилнинг 30 январь куни давлатимиз раҳбари томорқада ва ижарага берилган экин ерларида даромади маҳсулот етиштиришнинг янги тизими бўйича ўтказилган йилги озиқ-овқат етиштириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, оилалар даромадини оширишда томорқанинг аҳамиятига алоҳида тўхталди. Унлаб туманларда одамлар томорқадан 2-3 марта ҳосил олиб, бир сотихдан ўртача 15-20 миллион сўм даромад топаётгани таъкидланди. Уша ҳудудлар қаторида Янгийул тумани ҳам бор. Худуд аҳоли томорқадан яхшигина даромад топиш мумкинлигини исботлаб келяпти. Яна қандай маҳсулот денг — кўкатчиликдан.

Айни йилгида яна бир масала ўртага ташланди. Маълум қилинишча, янгийуллик деҳқонлар ўзимизнинг кўкат уруғлари йўқолиб кетгани, сифатли нав етишмаслигини айтган. Булар

бўйича вазиятни ўнглаш, аҳоли ташаббусларини амалга ошириш юзасидан кўрсатмалар берилган.

Ҳадеб яхши тажрибаларни мақтай-вермасдан, ана шу муаммони ўрганишга аҳд қилдик. Масала жиддий эканига кўра, журналист суриштируви ҳам ўтказмоқчи бўлдик. Шу мақсадда Янгийул туманига йўл олдик. Манзилимиз — ўша машҳур Ниёзбош худуди. Бу ер Янгийул туманининг бир қисми бўлиб, унда 9 та маҳалла жойлашган. Айтишларича, ана шу маҳаллалар аҳлининг бари фақат кўкат етиштириш билан шуғулланади. Томорқаси-ку, майли, ҳатто кўчасида озорқ бўш ер қолса ҳам кўкат экиб қўяверади. Кимлардир буни асосий ишга айлантирган бўлса, бошқалар қўшимча даромад манбаи, дейди.



КАМ ХАРАЖАТ ҚИЛИБ, КЎП ДАРОМАД ОЛИШ МУМКИН

Бир неча қадам юриб, йўлимиздан чиққан биринчи хонадон эшигини қочдик. Ёши катта аёл кутиб олди. Мақсадимизни айтганимиз ҳамон дарров "Иссиқхонада ҳали етилган экинлар йўқ, пиёз экилган, ҳолос, у ҳам кичикроқ", деса бўладими?! Ўзимизча биринчи харажатдаёқ раисни шошириб қўйгандек бўлди. Жаҳонгир ака эса барибир иссиқхонага киришимизни айтди. Куруқ ерни кўрагимиз, деб ўйлагандик аёлнинг ваҳимасидан. Йўқ, иссиқхонага экилган пиёз кўкариб, анча етилиб қолди. Опанинг камтарлик қилганини шунда тушунадик. Саволларимизга ҳам нийманибгина жавоб берди.

олиб, музхоналарга жойлайди ва нарх қимматлаган пайтда хорижга жўнатиб, даромад қилади. Ҳозирги кунда Фаровон маҳалласининг ўзида 3 та музхона бор. Бошқа маҳаллаларда ҳам музхоналар кўпайган. Тадбиркорларга музхоналарни имтиёзли кредит асосида олишда ҳоким ёрдамчилари кўмакчи бўляпти. Кўкатлар асосан, Россия, Қозғоғистонга экспорт қилинади. Аммо Европа бозорларига чиқарилган ҳам йўқ эмас. Фақат Европа талаби юқорироқ, унга мос маҳсулот етиштириш керак, етказиб бериш яна алоҳида масала.

Демак, маҳсулот етилиб, сотила бошлаган. Хонадон эгаси Шахло опа бунни тасдиқлади. Пиёзни йиғиштириб, харидорга тайёр қилиб қўйибди. Қизиги, бу аёл ҳам бирданига "Пиёзларнинг бир қисmini узиб бўлди, томорқада даярли кўкариб турган экин йўқ", деди. Бу гал ҳам унга ишонмай, тўғри иссиқхонага кирдик. Пиёз бир текис, шундай чиройли кўкариб турибдики, ташқарида киш экинни одамнинг ёдидан чиқди. Фақат меҳнатқаш кўлларгина шундай совуқ ҳавода ҳам маҳсулот етиштири олади.

Шахло Йўлчиева. — Эр-хотин ҳали нафақа олмаймиз, даромадимиз шу ердан. Иссиқхона майдони 2 сотих атрофида. Қишин-ёзин тиндирмай кўкат экамиз. Ёзи билан райхон сепилади, кузда пиёз. Параллел тарзда кашини ва бошқа кўкатлар ҳам етиштираверамиз. Пиёз ҳам, кўкатлар ҳам иссиқда бир ойларда, совуқда 40 кунларда тайёр бўлади. Иссиқхона термос қилиниб, икки қават плёнка ёпилган. Авваллари газ, кўмир ёқардик, ҳозир унинг харажати катта. Плёнкада иситиш қулай, экин сал кечроқ етилса ҳам харажати кам. Пиёз ва кўкатларга ортиқча иссиқ шарт эмас, жуда босса, ёйсимон усулда экинларнинг устидан бир неча метр баландликда яна плёнка ёпилади. Кўкатлар узилиши билан янгидан экилаверади. Тайёр маҳсулотни харидорларнинг ўзи олиб кетади. Бошқа маҳсулот етиштириш ҳақида ўйлаб кўрмаганимиз, чунки худудимиз азалдан кўкатчиликка мослашган. Тўғри, ўзига яраша меҳнати бор, аммо фойдаси яхши. Масалан, 5 минг боғ пиёз боғининг бир донаси 1000 сўмдан сотилганда ҳам 5 миллион сўм бўлади. Камидя 3 баробар фойда қолляпти. Ана шу кўкатчилик ортидан ўғил уйлантириб, киз узатдик. Бировдан қарзимиз, муҳтожлигимиз йўқ, рўзгоримиз бут, шуқр.

Маҳаллада ишсизлар ҳам йўқ эмас. Аммо бари ўзини ўзи банд қилиб, томорқасини юргизишда ердан сўраб келади. Ойлик маош тўланадиган ишларни кўпи рад этади, чунки кунлик даромадга ўрганган. Имтиёзли кредит олгани ҳам дарров томорқасига кўкат экади. Ҳам томорқадан унумли фойдаланяпти, ҳам шу йўналишни бизнессга айлантирган.

Шахло опа 56 ёш бўлишига қарамай, томорқадаги асосий ишни ўзи удалар экан. Турмуш ўртоғи ёрдамлашиб туради, қарамонда қолган набираси эса ҳали кичик. Ёланма ишчи ишлатмайди, даромад ўзимизга қолсин дейди. У ҳам келиб бўлиб тушганидан буён кўкатчилик билан шуғулланади. Ҳозир оиланинг асосий даромади шундан.

— Одам ишлатсак ҳам харажати қоплайди, лекин истамайман. Барибир уйда ўтирсам, ўзим ишлайвераман томорқада, — дейди



— Шу хонадонга келин бўлиб тушганимга 35 йилдан ошган бўлса, ўшандан бери томорқада кўкат етиштирамиз, — дейди Дилфуза Қўчқорова. — Рўзгоримиз ҳам, даромадимиз ҳам шундан. Икки ўғлим давлат ишида ишлайди. Уларнинг ойлик маошини тўплаймиз. Кунлик харажатларимиз эса томорқадан қопланади. Йил бўйи ерни бўш қолдирмай, кўкат экамиз. Пиёз, руқолло, петрушка, ўсмани аралаш қилиб экаверамиз. Харидорларнинг ўзи олиб кетади, бўлмаса бозорга олиб чиқамиз. Кунлик даромадимиз бор, дастурхонимиз тўкин. Иссиқхона майдони 2 сотихлар бўлса керак, анигини билмайман. Авваллари булғор қалампирни ҳам эканмиз, лекин ер хоҳламай қолган, харажати ҳам катта унинг. Кўкат эса кам харажат талаб қилади, меҳнати ҳам оғир эмас, аммо даромади яхши. Ҳар ҳолда доим истеъмол қилинадиган маҳсулот-да.

Фаровон маҳалласи аҳоли кўкатларини иссиқхонада етиштиради. Чунки қишда бу анча қулай. Худудда 679 та хонадон бўлса, шундан 647 тасида иссиқхона бор. Яна бир ўзига хослиги, охириги йилларда кўкатни сақлаш, экспорт қилиш ҳам ривожланиб бораётган. Аҳоли етиштирган пиёз, кўкатларни экспортчи тадбиркорларнинг ўзи сотиб



СОҒАТЛИ УРУҒ — ЭКСПОРТБОП МАҲСУЛОТ

Ота-боболаримиз томорқа — ҳазина деб бежиз айтмаган. Бунни халқимиз кейинги йилларда янада яхшироқ тушуниб етляпти. Чунки борган сари кичик ер майдони ҳам иқтисодий активга айланиб, одамлар ундан қўшимча даромад топиш ҳадисини оляпти.

Ҳозирги кунда 5 миллиондан зиёд хонадонда 508 минг гектар томорқа, аввал ташкил этилган деҳқон хўжаликлариди 17 минг гектар ва сўнгги йилларда аҳолига тарқатилган 260 минг гектар ер бор. Бу озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда энг катта заҳира. Асосийси, одамлар ер билан ишлашни, замонавий агротехнологияларни қўллашни яхши ўрганди. Илгари томорқада гектаридан ўртача 18 тонна маҳсулот олинган бўлса, энди бу 2 қарра ошиб, 38 тоннага етди.

Фаровон маҳалласида яна бир неча хонадонга кирдик. Уй эгаларининг кўпи томорқасида етилган пиёзларни йиғиб, харидорга тахт қилиб қўйган. Бу инсонларнинг ҳар бири билан гаплашиб завқ олдим, очиги. Содда, камтар, қилган меҳнатини арзимас ҳисоблар экан. Маҳалладаги файз ҳам ўзгача. Кўчалар тартибли, йўллар текис. Ҳал орасида бизга ҳамроҳлик қилаётган раисга "Маҳалланинг йўллари яхши экан, ичкари қисмлари ҳам таъмирталаб, ўнқир-чўнқир бўлиб кетмаган?" десақ, бунга жавобан, "Йўқ, нотекис йўллари-миз ҳам бор, сизга кўрсатаман", деса бўладими?! Одатда бирор худудга борсак, нотекис йўллари кўрсатмасликка уринишди, Жаҳонгир ака эса ўзи кўрсатмоқчи бўлди. Бир



кўчга бошлаб, "Мана, шундай йўл", дейди. Фотомухбир шеригим билан кулиб юбордик. Чунки раис ёмон, деб айтаётган йўл ҳам текис, фақат озгина чуқурликлари бор. Анча ичкарига кирдик ҳамки, йўллар жуда яхши эди. Раиснинг айтишича, кўчалардаги йўлларнинг кўпига тадбиркорлар ўз ташаббуси билан асфальт ётқизиб берган. Аввалроқ раиснинг "Маҳалла одамларининг кўпи яхши яшайди, ҳаммаси шу кўкатчилик ортидан" деган гапига энди ишондик.

Аммо Ниёзбош худуди фақат шу маҳалладан иборат эмас. Бошқа маҳаллаларда ҳам худди шундай кўкатчилик ривожланган. Озгина юриб, қўшни Гулистон маҳалласига ўтдик. Маҳалла раиси Ҳамидилла Суннатовнинг айтишича, бу ерда 774 та хонадон бўлиб, 4742 киши истиқомат қилади. Ҳаммаси кўкатчилик билан шуғулланади. Одамлар маҳаллий кўкат уруғларини ҳам экади, аммо хорижникига талаб кўпроқ экан. Чунки хориж уруғи анча сифатли, кўриниши чиройли, бозорлоб. Қолаверса, хориж навлари нисбатан чидамли бўлади, кашини барглари эса шاپалок бўлиб чиқди, ўзимизники каби қайчибарг бўлиб қолмайди. Нархи маҳаллий уруғларга нисбатан бир неча баробар қиммат бўлса ҳам аҳоли сотиб олади. Маҳсулот етилгач, харажатини бемалол қоплайди. Аммо маҳаллий кўкат навларининг ҳам сифати ёмон эмаслиги, ички ва ташқи бозорда талаб борлигини айтишди.

Уруғ навлари ҳақида сўраганимиз бежиз эмас. Бонси, юқорида таъкидлаганимиздек, Президент раслигида ўтган йилгида ўзимизнинг кўкат уруғлари йўқолиб кетгани, сифатли нав етишмаслиги масаласи кўтарилди, мутасадди-ларга тегишли кўрсатмалар берилган. Туманга келиш мақсадимиздан бири ҳам ана шу масалани ўрганиш эди. Ҳамидилла аканинг айтишича, бир неча кун олдин Республика Агротехноматил миллий маркази (АКИ)дан мутасадди келиб, шу бўйича қўриқилган чоралар, қилинадиган ишлар ҳақида гапирган. Сўбатимизни чала қолдириб, биз кириб борган хонадон эгасини қақирдик. Кутиб олган киши иссиқхонага кираверишимизни айтиб, йўл кўрсатди. Иссиқхонанинг ўртасида бир аёл ўтириб, кўкат боғляпти. Ичкари ям-яшил, турли кўкатлар ўсиб турибди. Бир томонда шпинат (исма-лоқнинг бир тури), бошқасида кашини. Дарров нарх-наво ва даромади билан қизикдик.

— Шпинатнинг битта боғлами 5-6 минг, кашини эса 5 минг сўмдан олинляпти. Кунига 30-40 боғлам сотяпмиз ҳар биридан. Харидорларнинг ўзи келиб, олиб кетади, — дейди "Гулистон" МФИда яшовчи Гулнора Бадилова. — Иссиқхона майдони 3 сотихлар бўлса керак. Қишин-ёзин кўкат етиштирамиз. Ондада 11 кишимиз, ўғилларим давлат ишида.



Томорқа қўшимча даромад манбаимиз, рўзгоримиз шундан. Кўкатчиликдан яхши фойда олса бўлади, доимий парвариш қилинса кифоя. Асосан, хориж уруғларини экамиз. Озгина қимматроқ бўлса ҳам бозорда тез кетади. Масалан, хорижий шпинат уруғининг килоси 700-800 минг сўм бўлса, маҳаллий уруғ 30 мингдан 100 минг сўмгача. Менга 300 грамм уруғ етарли, 150 минг сўмга айланади. Бу харажат иссиқхонадаги битта полининг ўзидан чиқиб кетади.

Хонадондан чиқа турди, яна боғга масалага қайтдик. АКISнинг маҳаллага келган вакили Ниёзбош худуди марказига контейнер қўйилиб, ўзимизнинг маҳаллий уруғлар арзонлаштирилган нархларда олиб келиниши, ерининг қувватини ўлчайдиган аппаратлар ўрнатилиши ва бошқа вазифаларни айтган. Ташқарига келиб, улар билан боғландим. Қўшимча маълумотлар олдим.

— Мутахассислар ва илмий ходимлардан иборат ишчи гуруҳ Янгийул тумани Ниёзбош қишлоғида бўлиб, — дейди Республика агротехноматил миллий маркази директори Бунёд Мамарамимов. — Жараёнда аҳоли томорқаларида етиштириляётган қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳолати, уларни етиштиришдаги муаммолар ўрганилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилдорлигини ошириш, сифат кўрсаткичларини яхшилаш орқали аҳоли даромадини кўпайтириш юзасидан илмий тавсиялар берилди. Бундан ташқари, айни кунларда агротехник тадбирларнинг ўз вақтида ўтказиш, талаб этиладиган моддий-техник ресурсларини етказиб бериш бўйича изчил саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Ниёзбош худудиди кўча агротехник кўрсатиш марказлари ташкил этиш режалаштирилган. Уларда маҳаллий ва янги навларнинг сифатли уруғликлари арзон нархларда сотилади.



ДОИМ БОЗОРИ ЧАҚҚОН МАҲСУЛОТ

Шахардан бир неча ўн дақиқали йўл юриб, худуддаги Фаровон маҳалласига кириб бордик. — Маҳалламиздаги хонадонлар томорқаларида бўш ернинг ўзи йўқ, аҳолининг ҳаммаси кўкатчилик билан шуғулланади, иссиқхоналарда қишин-ёзин кўкат етиштирилади, — дейди "Фаровон" МФИ раиси Жаҳонгир Абдуқайюмов. — Ўзингиз танаб, исталган кўча, исталган хонадонга кириб, томорқасида, албатта, экин бўлади. Баҳорда келинг, ёзда келинг дейман. Ҳозир бирма-бир хонадонларга кирамиз, пиёз, кўкат ўсиб ётганига гувоҳ бўласиз. Шу ўринда бир воқеани эсласам. 2019 йил май ойлари — маҳалла раиси сифатида китта бошлаганимга 5 кунгина бўлган. Тўсатдан нарх бир ташкилотдан масъул келди. Қаттиқроқ оҳангда хонадонларга олиб киришимни талаб қилди, агар томорқалар бўш турган бўлса, жиддий чора кўришларини айтди. Қайси кўча, қайси хонадонга киришни ўзи танлади. Барига кирдик ва ҳаммасида экин экилганини қўриб уялиб қолди. Яъни одамларимиз томорқани сира бўш қолдирмайди, кетини узмасдан кўкат етиштиради. Масалан, пиёз йиғирма кун — бир ойда тайёр бўлса, унинг орқасидан бошқа кўкатлар экилади. Ёзи ойлариди помидор, булғор қалампирни етиштириданлар бор. Ёки салат барглари экилади. Хуллас, ниёзбошликлар томорқадан кунига даромад топиб, аксари шунинг орқасидан рўзгор тебратлади, тўй қилади, уй қурсди. Келинг, кичик ҳисоб-китоб қилиб кўраимиз. Масалан, икки метрли жойга кашини экилса, 25-30 кунда тайёр бўлади. Сотганда 300-400 минг сўм тушади. Ҳар бир иссиқхонада шундай ҳажмдаги полдан 15-16 та бор. Ана энди, даромадини ҳисоблайверинг. Одамларимиз ана шу кунлик даромадга ўрганган. Ҳатто бошқа касбда ишлайдиганлар ҳам қўшимча даромад сифатида кўкат етиштиради. Мақтанмиш бўлмасин-ку, Ташкент шаҳри ва бир қанча вилоятлардаги кўпуб деҳқон бозорларини ниёзбошликлар кўпуб билан таъминляпти. Ҳатто қўшни давлатларда ҳам худуд номи машҳур. Бир ойда Ниёзбошнинг ўзидан хорижга 5-6 та юк машинасида кўкат чиқиб кетади. Мавсум вақтлари 30-40 тагача етади. Ҳар бир фурага 15-16 тонна маҳсулот кетади. Экспорт

қилинмаган кўкатлар маҳаллий бозорда сотилади. Нарх жуда пастлаб кетган тақдирда ҳам, ҳеч бўлмаганда, харажатини қоплайди. Жаҳонгир ака билан сўхбатимиз қизиқ кетди. Тезроқ хонадонларга киришни истаетган бўлсам ҳам аввал саволларимга жавоб олиш зарурати кучлироқ келди. Уларни тинглаганим сари "Нега бу ерда фақат айнан кўкат етиштирилади, одамлар қачон бунга ўрганган" деган савол ўйлантирди. Маҳалла раиси шу билан боғлиқ ота-боболаридан эшитган бир воқеани айтиб берди: "Авваллари янгийулликлар узумчилик билан шуғулланган экан. Ростми-ёлғонми, бир пайтлар Жамбил маҳалласида бир хорижлик одам ҳовлисиди кўкат ўстиради. Ҳар кунни халтасига кўкат солиб, бозорга олиб чиқади. Қизиги, одамлар узумни хорижга мавсумда экспорт қилса, ўша киши даярли йил бўйи кўкат сотиб, даромад топан. Шундан бошқаларда ҳам кўкатчиликка қизиқиш пайдо бўлган, дейишляпти".

Бу воқеа қанчалик ҳақиқат, билмаймиз, аммо ҳозир Янгийулнинг кўкат етиштириш тажрибасига қизиқувилар кўп. Кичик ер майдонида ҳам, бунинг устига, йил давомида яхшигина даромад қилиш чиндан самарали усул. Шунгами, тажрибани ўрганаётган худудлар сони ошиб борапти. Айтишларича, Бекоба, Сурхондарёнинг кўп туманларида аллақачон кўкатчилик оммалашди. Янгийулда ер танқисроқ бўлгани сабабли тўб аҳоли бошқа худудларга бориб кўкат етиштираётгани ортидан уларни ҳам шу ишга қизиқтириб, ўргатапти. Сурхондарёдаги катта далаларда шивит экиляпти. Янгийулдаги томорқаларнинг ўзида эса кўкатнинг исталган тури — кашини, пиёз, руқолло, розмарин, салат барглари етиштирилади. Одамлар мавсумга қараб ерга уруғлик сепаверади.

Маҳалла раиси яна ўша гапни такрорлади: "Шу ердан чиқиб пиёда юрамиз ва сиз истаган хонадонга кирамиз, томорқаларини ўзингиз кўрасиз. Бирорта хонадонда бўш турган ер йўқ!". Бунга ўзимизнинг ҳам ишончимиз ортиб бораётганди. Фотомухбир шеригим ва маҳалла раиси билан биргаликда хонадонлар томон юрдик. Йўлда ободонлаштириш ходимларини кўрганнимизда баҳор яқинлиги ёдимизга тушди. Аммо бунга ҳали вақт бор. Ҳаво эса анча совуқ. Ҳатто сал олдин қор ҳам ёғиб ўтди.



"ҲАММА ПУЛ КЎКАТЧИЛАРДА(МИ)?!"

Хамроҳимиз Жаҳонгир ака яна бир неча хонадонга олиб кирди. Барининг томорқасида ўша манзара — пиёз ёки кўкат экилган. Хонадон эгалари эса иссиқхона ичиди. Фаровон маҳалласида яшаётган Муҳаббат опа Маҳкаманинг турмуш ўртоғи тадбиркор. Оилада 10 киши яшайди, даярли ҳаммалари оилавий ошхона, дўконларида ишляша экан. Шунга қарамай, томорқалари ҳам бўш қолмаган. Кириб боғранимизда турли кўкатларга кўзимиз тушди. Томчилятиб сугориш технологияси ҳам ўрнатилган. Хонадон эгасининг айтишича, томорқа қўшимча даромад манбаи, қолаверса, болаларни меҳнатга ўргатади.

Яна бир гап. Давлатимиз раҳбари топшириги билан эндиликда томорқа ва деҳқончилик ерларида юқори даромадда ва экспортчи экинлар экиш, уларнинг ҳисобини юритиш ҳамда молиялаштириш бўйича янги ташаббуслар қўлланилади. Жумладан, томорқа хизматларини йўлга қўйган тадбиркорларга 7 йил муддатта 17,5 фоизли имтиёзли кредит ажратилади. Ердан самарали фойдаланиб, бир сотихда 5 миллион сўмдан юқори расмий даромад олаётган деҳқонларга ер солиғининг 90 фоизи қишбек сифатида қайтариб берилади. Аксинча, томорқасига экин экмаганлардан ер солиғи оширилган миқдорда ундирилади.

Биз кирган охириги хонадон эгаси Акбар ака Муҳаммедов эса анча дангал, очиқ одам экан. 2 сотихлар чиқидиган томорқасидан яхши даромад олиши, кетини узмай пиёз етиштириб, бунинг ортидан уй кўтаргани, чорва моллари олиб, иссиқхона қургани, яқинда "Дамас" автомашинаси харид қилганини ҳам аширмади. Аммо барибир содда, камтарлиги бор. Мени олиб чиқманлар, расмага олманлар, пиёзларнинг бир қисмини йиғиб олиб, сотиб бўлдик, иссиқхонада кўп нарса йўқ деб туриб олди. Аммо ичкарига кирсак, бунинг мутлақо акси. Пиёз шунақа чиройли, бир текис кўкариб турибдики, одамнинг ҳаваси келади.

Умуман, Янгийулдаги томорқадан унумли фойдаланиш, кўкат етиштириш тажрибасини худди Сайхунбод, Ђиждувон ва бошқа худудлар тажрибаси каби оммалаштирса бўлади, назаримизда. Айниқса, Ниёзбош худудиди бўш турган томорқа майдонини топа олмайсиз. Тан бердик. Қайтишда ҳовлимиздаги даярли бўш ётадиган томорқасиз кўз олдимдан ўтиб, ўзимдан уялдим. Энди ундан фойдаланмасак бўлмайди. Акс ҳолда, яхшигина солиқ тўлашимиз аниқ!

Шуларни қўриб, бир хулосага келдим. Бу ерлик аҳолининг кўпи ойлик маошга ишлай олмайди, ишлайдигани ҳам томорқасини қўшимча даромад манбаига айлантириб олган. Меҳнат қилса, тўғри фойдаланса, томорқадан яхшигина даромад қилса бўлади. Бунни улар ўз ҳаёти, меҳнати мисолида қўриб, билиб турибди.

САДОҚАТ — ҲАР БИРИМИЗНИНГ МАЪНАВИЙ ҚУДРАТИМИЗ БЎЛИШИ КЕРАК

Бошланиши 1-бетда

Олимжон ЎСАРОВ: — Ҳар йилнинг январь ойи халқимизда бир улуг кўтаринкилик, руҳан тегиклик билан бошланади. 2025 йил ҳам шундай шуқули келди. Ҳаммамиз, касбимиздан қатъи назар, бир-биримизни 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунин билан табриқладик. Бир-биримизга ижтимоий тармоқлардан табриқномалар йўлладик. Уларда ҳаммамизнинг жон-у жаҳонимиз — Ўзбекистонимизга муҳаббатимизни изҳор қилдик, бўлишдик. Бу бежиз эмас. Биз ватанпарвар, қаҳрамон боболарнинг авлодимиз. Азалдан халқ раҳнамолари ёшларни Ватанга садоқатли бўлишга даъват қилиб келган. Ҳар бир замон, давр улардан бунинг тасдиғини, намойишини кутган, кўрган. Ёшларга Ватанга садоқатнинг неллиги, маъноси тушунтирилган. Достонларда қуйлаб қалбларга садоқат қуйилган. Маънавий қуроллантирилган. Бу эса бугунги кун учун энг зарур фазилатларнинг ёшлар хулқига қўйишга хизмат қилган. Мана шу анъана янги тусда, замон билан ҳаммақдамлигини кўриб, индан сунониб яшаймиш. Бунинг боиси, ёшларимиз, ҳарбий хизматчиларимиз сўзларидаги, сиймосидаги, ниятидаги, хулқидagi садоқатни хотиржаммиз. Лекин садоқат ҳам парвариш қилиб, кучайтириб турилиши зарур. Шундай эмасми?

Муҳаммадҷон ҚУРОНОВ: — Садоқат — маънавий ҳодиса. У ўзидан ўзи пайдо бўлмаган, бўлмайди. Шунинг учун азалдан ота-боболаримиз мақол, эртақ, дoston тўқиб, куйга солиб, айтиб, садоқат урфини ёшларга ўргатиб келган. Садоқат ўзиёки ё беғоналик масаласи. У кетса, ўринни хиёнат эгаллайди. Дом шундай бўлган, ҳозир ҳам шундай. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталарида қилган Муурожаотномасида “Ўзимиз ўзимизга хиёнат қилмасак, ўзимиз ўзимизни алдамасак, ҳалол-поқ бўлиб меҳнат қилсак, мен аминман, кўзлаган барча марраларимизга албатта етамиз...”, дея масъулиятга, сафарбарликка, Ватанга садоқатли бўлишга даъвати бунинг яққол мисолидир. Чунки бугун кечадигеқ ўйласак, ишласак, кечадигеқ яшайверамиз. Биз миллий юксалишимиз Янги Ўзбекистон фазасига кирдик. Юксалиш тикланишдан кўра, кўп куч, энергияни талаб қилади. Чунки юксалиш — перпендикуляр ҳаракат.

Олимжон ЎСАРОВ: — Бундай пайтда “Биз бир оддий одам бўлсак, бизга қараб қўлибдими? Бошқалар бор-ку” деб ўзини четга олиб турувчилар ҳам бўлган. Бироқ бу юмшоқ қилиб айтганда, лоқайдлик, бефарқлик, беғоналик. Лоқайд қанча кўп бўлса, содиқ ватанпарварлар елкаси шунча кўпроқ қава-ради. Биз мураббийлар бунга йўл қўйма-лигимиз керак. Ўзбекистон — 37 миллион хужайрадан иборат бир жону бир танли организм. Тарихимиз ҳам, тақдиримиз ҳам шу Ватанда — Ўзбекистонда. Унга бир фарзанд бўлиб, қиладиган хизматимиз қандай, қанча бўлиши ҳар биримизнинг Ватанга садоқатини бугун қандай тушунишимизга, унга қанчалик амал қилишимизга боғлиқ.

Муҳаммадҷон ҚУРОНОВ: — Жуда топиб айтдингиз, Олимжон. Бир педагог сифатида мен ҳам бир саволга жавобни кўп

ўйлайман. Ватанга садоқат нимада кўринади? Дилдами, тилдами, қўлдами, ишдами? Бу саволга ҳар бир йилнинг қизимизнинг ўз, шахсий, кескир жавоби бўлиши керак. Бошқача қилиб айтганда, садоқатни кинофильм, спектакль, китоб, қўшиқлардан ҳаётга олиб чиқишимиз керак. Токи тўрт томонимизда Ватаним деб ўз соҳасида шжоат кўрсатаётган миллионлаб йилит-қизларни кўрайлик. Акс ҳолда, садоқат дилда ё тилда қолиб кетиши мумкин.

Олимжон ЎСАРОВ: — Ватанга содиқлик — фазилат. Ватанга садоқат бугун биздан нималарни талаб қилапти? Меҳр ва сафарбарликни, амалий ишларни. Президентимиз ибораси билан айтганда, “Барчамиз бир ҳақиқатни чуқур тушуниб, англаб олишимиз керак: бугун гап халқимиз, Ватанимизнинг тақдир ва келажғи, жондан азиз болаларимизнинг бахти ва камоли ҳақида бормоқда. Шундай улуг мақсадлар йўлида барчамиз белимизни маҳкам боғлаб ишлашимиз, бор ақл-заковатимиз, билим ва тажрибамизни, жонажон Ватанимизга фарзандлик меҳримиз ва садоқатимизни сафарбар этишимиз керак”.

Ватанга садоқат деганимизда кўна тарих, соҳибқирон Амир Темура, Жалолитдин Мангуберди, жадиб боболаримиз, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, улардан сўнг мустақиллигимиз ҳимоячиларининг жасоратлари гавдаланади. Чунки улар ўз замонаси савобидан келиб чиқиб, Президентимиз айтганидек, “Бор ақл-заковати, билим ва тажрибамизни, жонажон Ватанимизга фарзандлик меҳри ва садоқатини сафарбар этишган”. Бугун дунё миқёсида турли хавф-хатарлар, қуролли тўқнашувлар тобора авж олиб бораётган ўта мураккаб вазият биздан садоқатнинг маъносини бугунги кун шиддатидан келиб чиқиб тушунишни талаб қилмоқда. Бу биздан Ватанга садоқатни эртага, келажакда эмас, бугун кўрсатишни талаб этмоқда.

Муҳаммадҷон ҚУРОНОВ: — Бунинг учун “сафарбар садоқат”нинг бугунги қалблари қандай? Бугун Ватанга содиқ инсон қандай бўлиши керак? Ватан биздек ўғил-қизларидан ёлчиши учун биз амалда нималарни қилишимиз, нималардан тийилишимиз керак? Ёки нега байроғимизни, ундаги мовий ранг — садоқат титмосини бошимиздан ҳам баланд тутамиз, деган саволларга шахсий жавобларимиз бўлиши мумкин.

Масалага илмий ёндашмасак, садоқат баландпаров сўзга айланади. Адашамиз. Чунки илм — ҳолислик дегани. Садоқат нима? Илмий адабиётларда унга — одамнинг қудрати, унга таъсир қиладиган воқеа, ташқи ёки ички омиллар, алдовлар қаршилиғига дош бериш, тобланган ички “умуртқаси” қучининг намоён бўлиши; одамнинг ўзи айтаётган сўзлари, позицияси, ёндашуви ҳақиқатига қаттиқ ишонishi, дейилади.

Садоқат одамнинг Ватани, унга ишонган, унинг севган кишилари олдидаги бурчини англашдан келиб чиқувчи фидойилиги, жавономардлиги. Унинг маъноси “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да дўстлик, бирдамлик, самимийлик; чин қалбдан берилганлик; содиқлик, вафодорлик деган садоқатга “қариндош” сўзларда очиб берилган. Демак, бу сўзлар,



уларнинг маънолари (маънавияти)ни ҳар бир ҳарбий хизматчи қалбига го қилиб олиши керак. Ана шунда у нафақат жисмоний кучга, балки қудратли маънавий кучга эга бўлади.

Олимжон ЎСАРОВ: — Дарвоқе, дунё тажрибасига қарасак, ҳарбий соҳада икки йўналишда доимий тайёргарликка эришиш уқтириб келинганини кўрамиз. Булар Куролли Кучларнинг маънавий ва жанговар тайёр-гарлиги. Масалан, АҚШ Мулоффа вазирлиғи-га қарашли Куролли Кучлар мактаби томони-дан чоп қилинган ҳужжатларда “Барча дара-жадаги армия раҳбарлари Америка халқининг ишончини қозониш ва хизмат қилиш учун юқори ахлоқий-маънавий стандартларни ишлаб чиқиш ва сақлаш учун жавобардир” деб қайд қилинган. Унга кўра, АҚШ Курол-ли Кучларининг маънавий-руҳий тақомилига сабаб ҳарбий хизматчилар маънавий-руҳий камолотини янада тақомиллаштиришга қара-тилган илмий тадқиқот феолиитининг самар-али йўлга қўйилгани билан изоҳланади.

Маънавий тайёргарлик немис армияси-да ҳам устувор саналади. Германия армияси-га қарашли Куролли Кучлар мактаби томони-дан чоп қилинган ҳужжатларда “Барча дара-жадаги армия раҳбарлари Америка халқининг ишончини қозониш ва хизмат қилиш учун юқори ахлоқий-маънавий стандартларни ишлаб чиқиш ва сақлаш учун жавобардир” деб қайд қилинган. Унга кўра, АҚШ Курол-ли Кучларининг маънавий-руҳий тақомилига сабаб ҳарбий хизматчилар маънавий-руҳий камолотини янада тақомиллаштиришга қара-тилган илмий тадқиқот феолиитининг самар-али йўлга қўйилгани билан изоҳланади.

Маънавий тайёргарлик немис армияси-да ҳам устувор саналади. Германия армияси-га қарашли Куролли Кучлар мактаби томони-дан чоп қилинган ҳужжатларда “Барча дара-жадаги армия раҳбарлари Америка халқининг ишончини қозониш ва хизмат қилиш учун юқори ахлоқий-маънавий стандартларни ишлаб чиқиш ва сақлаш учун жавобардир” деб қайд қилинган. Унга кўра, АҚШ Курол-ли Кучларининг маънавий-руҳий тақомилига сабаб ҳарбий хизматчилар маънавий-руҳий камолотини янада тақомиллаштиришга қара-тилган илмий тадқиқот феолиитининг самар-али йўлга қўйилгани билан изоҳланади.

Муҳаммадҷон ҚУРОНОВ: — Бу фикр-нигиз менга генераллар орасида ўзаро айтиб юриладиган бир ҳарбий мақолини эсладик. Унда “Жанговар тайёргарлик мумкин. Лекин ўқни қаёққа қараб отишни аскарга мафкура-вий тайёргарлик кўрсатади”, дейилади. Шу-нинг учун ватанпарварлик мафкура-вий мил-лий даражага кўтаришда тарбия илми, педа-гогикдан унумли фойдаланилгати. Масалан, Хитой педагогикасининг асосий гоиси мил-лий ватанпарварлик тарбияси билан боғлиқ.

Хитой педагогик матбуоти материалларида “Ватанпарварлик — бу хитойликларнинг энг яхши анъанаси ва миллий фазилати” деган гош синдириб келинмоқда.

Олимжон ЎСАРОВ: — Ватанга садоқат — синов. Унинг синовларидан ўтиш осон эмас. Садоқат — одамдаги кучли маънавий-нинг кучли характери борлигининг белгиси. Шунинг учун ҳам ҳарбий хизматчиларнинг нафақат жисмоний, балки маънавий шай бў-лишининг аҳамияти ўта муҳим.

Чунки садоқат — маънавият масаласи. У одамнинг Ватан олдидаги ўз бурчиларини билишига, тушунишига, англашига қурилади. Бурчи очилса эса осон эмас. У қийин-чиқилардан чекинмасликни, тоймасликни, қайтмасликни, улрни мардона, чидам билан бартафарқ қилишни, ўзини қийнашни талаб қиладди. Ҳаётда учрайдиган қалитувчи ман-фаат, энгиллик, макр-алдовларга учмасликни, қанча қийин бўлмасин, унга ишониб, топи-ширилган ишончини оқлаб, натижага эришишни, матонатли бўлишга ундайди.

Садоқат ишонч устига қурилади. Ишонч эса ишонтиришнинг натижаси. Ана шунда ҳар бир инсоннинг орузи, шундай эмасми?

Муҳаммадҷон ҚУРОНОВ: — Жуда тўғри айтдингиз. Ҳар биримизда Ватанга са-доқатнинг у ёки бу даражаси бор. Гап ана шу садоқатни англаб, ўзига ўзи юқоридаги савол-ларни бериб, ошириб, ўзини ҳар кунги, ўз иш жойида, постиди сафарбар этишда. Барча соҳа-ларда Ватанга садоқатни намоён қилиш учун имкониятлар кўп. Аммо айрим ёшларимиз буни қўндалик ҳаётда қандай намоён қилиши-ни билишмайди. Улар ватанпарварлик қандайдир фавқулоддаги вазиятларда намоён бўлади деб ўйлашади. Куч, гайрати бор, аммо уни қаерга сарфлашни билмайдиган кишидек. Бу савол

нафақат бизнинг, балки дунёнинг кўпчили-к ёшларида бор. Демак, қайси мамлакат ёшлари-да мана шу гайрат, пок ният билим, маънавият бирор нарсани ваъда бериб, бажармайди. Бир гапни ўз вақтида айтиш керак — айтилмайди, эртароқ келиш керак — кеч келинади. Вақтда кетиш керак — эртароқ кетилади. Ўзини қий-наши керак — қийнамайди. Ўзи қилиши керак бўлган ишни — бировага “Қараб қўй!” дейди. “Нега бундай қилдингиз?”, десангиз, “Бирин-чи марта-ку. Нима қилдими? Ўзингиз шундай дегандек бўлувдингиз-ку! Озгина-ку. Ўтиб кет-ди-ку”. Ҳама шундай қиладу-ку. Ҳеч ким сез-мади-ку”, деб оқланади. Булар — хиёнатнинг юмшоқроқ, бошқа сўзлар билан “оқландиған” кўринишлари, симтом сигналлари. Бундай муҳитда масъулиятсизлик, огирнинг остидан, энгилнинг устидан юриш айб саналмай қолади.

Олимжон ЎСАРОВ: — Хиёнат тугма ил-лат эмас, номмақул тарбия махсули. Ўз вақти-да ота-она, устозларнинг болаларни сўз билан иш билирига, масъулият, садоқатга одатлан-тирмаганининг оқибати. Нима қилмоқ керак? Яна, яна ва яна маънавият, яна тарбия. Ҳар бир болада Ватанга садоқатнинг ёшига мос табақалашган даражасини қаболатли таъмин-лаб боришимиз керак. Тарбия масаласида ота билан онанинг дили, тили бир бўлиши керак. Баъзида ота “йўқ”, деб, она “хўп”, дейди. Бола бир муаммонинг икки хил ечими бўлиши мумкинлигини кўриб, ҳайрон бўлади. Оталар қандайс мекхатли роҳатни, оналар — мекхат-сиз роҳатни тақдир қиладди. Бола ўн марта мақсадга мекхат қилиб эришса, тўғрилиққа, ўн марта мекхатсиз эришса-чи? Тайёрга ай-ёрликка ўрганади. Ундан ёлгонга, мунофиқ-ликка, кўзбўямачиликка йўл очилади. Ёзуви К.Чуковскийнинг “Иккидан бештага” асариди инсондаги зуққолик ва хушёрлик, иқтидор ва улдаборунлик ёхуи ёлгонликни ва айёрликнинг аксарияти болалар 2-6 ёшлиқ даврдаёқ тўла шаклланиши ва намоён бўлиши исробланган.

Садоқат миллий қаҳрамонларимизнинг бек фазилати бўлган. Садоқат беғоналардан умид қилармайди. Дўстлардан, фарзандлар-дан, шогирдлардан кутилади. Қаранг, шунинг учун ўзбек боласига Содиқ, Сиддиқ, Садоқат, Сиддиқа, Муҳаммадсодиқ деган исмлар қў-яди. Халқ шoirи Эркин Воҳидов садоқатни “Ўлоқ оқил, мард бўлгин, мардлик — элга садоқат”, яъни оқиллик ва мардликнинг йиғиндиси деган эди.

Муҳаммадҷон ҚУРОНОВ: — Инсоният тарихи садоқат нафақат кучли, қудратли жинс — эркакларга, балки аёлларга ҳам холигини кўп кўрган. Маънавияти кучли аёллар азал-дан садоқат рамизи бўлиб келган. Биз оиламиз чарогонлиги, хотиржамлиги хотин-қизла-римизнинг ҳар кунлик садоқатидан эканига ўрганиб қолганмиз. Лекин кези келганда, са-доқат бурчи аёлини фидолай кучли қилар экан. Буни қадимий ривоятлар ҳам тасдиқлайди. Мана улардан бири:

“Бир шаҳарни ёв босиб, ҳаммани асир қи-лади. Душман лашкарбошиши шаҳар аҳлини бир майдонга тўплаб: “Мен хотин-қизларни асирликдан озод қилмоқчиман. Эртага тонгда хотин-қизлар ўзлари кўтарга олгунича нарса-ларини олиб, чиқиб кетсин”, дейди.

Тонгда лашкарбоши шаҳар дарвозаси ол-дига келади. Манзарани кўриб, ларзага ту-шади. Чунки шаҳар дарвозасидан момолар, аёллар, ўсмир қизлар ўзларининг нозик


Таҳлил

Сунъий интеллектнинг ривожланиши натижасида кўплаб касблар йўқолиши хавфига дуч келиши мумкин. Бу халқаро тадқиқотчиларнинг фикри. Йўқолиб кетиш хавфи юқори касблар рўйхати билан танишар экансиз, баъзиларини кўриб ҳайрон қоласиз. Ахир қандай қилиб бу соҳа эгалари ишини сунъий интеллект бажара олиши мумкин?

Мени ҳайратлантирган бундай касблардан бири — психолог. Тадқиқотчилар фикрича, келажакда психологлар вазифасини ҳам сунъий интеллект бажариши мумкин. Яъни сунъий интеллектта умумий ҳолатингизни тушунирарисиз, унга буларнинг барчасини чуқур таҳлил қилиб, сизга керакли маслаҳатлар беради. Шу ўринда кичик тажриба ўтказиш фикри туғилди. Бир хил психолог муаммо билан ҳам психологга, ҳам сунъий интеллектга муурожаат қилиб кўрсак...

Ижтимоий тармоқлар орқали кўпчиликка таниш психологларнинг илзиди. Улардан бири билан боғланиб, қабулга ёзилмоқчи эканимни маълум қилдим. Консултация учун тўловларни тўлаб, шундан кейин тажриба учун ўйлаб топилган психолог “муаммо”ни ёзиб юбордим. “Муаммо” куйидагича эди: “Умидсизликка кўп тушаман. Бу баъзан аламзадаликка айланади. Қандай иш бошламай, ана шу умидсизлик туйғулари уни охиригача етказма олмайман. Ҳолатим яхшиланиши ўринга тобора ёмонлашиб бормоқда. Менданги бу муаммодан фақат ўзим эмас, оила аъзоларим ҳам азият чекапти. Нима маслаҳат беришсиз?”

Психологнинг жавоби куйидаги мазмунда бўлди: “Қадри мижоз! Сиздаги бу ҳолатни бартафарқ этишнинг, албатта, имкони бор. Бироқ бу бир оз вақт олиши мумкин. Энг аввало, сиз ўзингизни тинглатишни ўрганингизиз лозим. Нима хоҳлайсиз, нималарни хоҳлайсиз, биринчи навбатда, шуларни ҳисобга олиш мумкин.



Сиз бу ҳолатдан чиқиш учун мақсадларингизни кичик-кичик бўлақларга бўлиб олишингиз лозим. Шунда уларнинг амалга ошиши осонлашади. Кичкина ютуқлар эса руҳиятнинг тикланишига, ўзингизга ишончингиз ортисига сабаб бўлади.

Кейин оилангизни севишни ўрганингиз, улар сиз учун энг қадри инсонлар эканини ўзингизга қайта-қайта уқтирингиз. Напажа, албатта, бўлади. Истасангиз, бу бўйича махсус онлайн курсимиз ҳам бор. Янги гуруҳга қабул давом этапти. Қатнашиш ниятида бўлсангиз, ходимларимиз сиз билан боғланади.

Саволларингиз бўлса, бемалол ёзиб юбори-шингиз мумкин”. Энди айна шу “муаммо”га сунъий интел-лектнинг жавобини ўқиймиз: “Сиз ҳис қилаётган умидсизлик ва алам-задаликнинг қанчалар огир эканини тушуниб турирмиш. Бу ҳис-туйғулар ҳаётини қийин-лаштирди, лекин сиз улар билан курашишга, енгишга қодирсиз. Ҳар қандай муаммога ечим топиш учун биринчи қадам уни тан оlish ва қа-бул қилишдир. Шунинг учун: “Умидсизлик аксар ҳолларда инсонни ҳара-катсизликка олиб келади ва бу салбий таъсир кўрсатади. Сиз бошлаган ишларингизни тугал-лай олмаётганингиз сабаби ҳам шу — ишни тугаллашга интилангизда руҳий ҳолатингиз, яъни умидсизлик сизга тўсиқ бўлиб туради. Бу ҳолатнинг бир неча сабаби бўлиши мумкин, масалан, энергияга қайғуриш, ажратиш керак бўлган эригячани нимақлай олмаслик ёки ҳар бир ишни бошлаганда шубҳа билан қараш ва бошқалар.

Шунинг учун ушбу ҳолатни яхшилашга ёрдам берадиган бир нечта асосий қадамни кўриб чиқишимиз керак. Биринчидан, ҳадиклардан, қийинчиликлардан қочиш эмас, балки уларга юзма-юз қараш, жиддий ёндашиш зарур. У-нингиза беъэтибор бўлманг, таваққал фикрлардан қочманг. Бу вақтда сизга атрофингиздагилар қанча ёрдам беради, шунинг учун оила аъзола-ригиз билан очиқ мулоқот қилишга алоҳида аҳамият қаратинг. Уларнинг фикрларини тинг-лаб, биргаликда ҳаракат қилиш ҳолатингизга ижобий таъсир кўрсатади.

Иккинчидан, ҳар кунни нима бўлишидан қатъи назар, кичик-кичик қадамлар қўйишдан тортирмангиз. Шубҳасиз, бу сизга бошлаган ишларингизни тугаллашга ёрдам беради. Ас-лида, бир кунлик мақсадларни белгилаш ва уларга эришиш кичик қадамлар билан қийин ишларни тугаллаш қобилиятини шаклланти-ради. Тўғри тушунинг, ҳар бир инсон ҳаётда қийин ва мураккаб даврлар бўлиши табиий ҳолат. Ўзгаришга кеч бўлмасдан, уларни қа-бул қилиб, ҳаммаша олдинга қадам ташлашга эътибор берсангиз, оила аъзоларингиз билан биргаликда янада қувончли, тинч ҳаётга қайта эришасиз.

Агар берган маслаҳатларим фойда бер-мас, сизга шифокор қабулига боришни тавсия қиламан. У бу руҳий ҳолатдан чиқиб кетишга қўшмача ёрдам бериши мумкин. Яна ёрдам керак бўлса, мен ҳаммаша тайёр-ман. Кунингиз яхши ўтсин”.

Дарвоқе, психологнинг мижозлари кўпли-ги бос, саволларингиз 2 соатдан кейин жавоб

қайтарди. Сунъий интеллект эса бунинг учун 1 дақиқа сарфлади. Ёслатиб ўтганим, бу ҳолатда биз инкласидан бирини устун қилиб кўрсатиш фойдасини йироққимиз, хулосани ўқувчининг ўзи-га қолдирамиз.

Сунъий интеллект бугун бутун бошли тад-биркорлик режаларини ҳам тузатипти. Келинг, уни бу жиҳатдан ҳам синаб кўрамиз. Энг би-ринчи, тажриба учун тўқилган моливий аҳо-лимизни ойдиллаштираримиз. Демак:

“Биз уч киши бозорда савдо дўқони очиб, тадбиркорлик соҳасига кирмоқчимиз. Асосан, озиқ-овқат махсулотлари сотиш-ни релаштираримиз. Умумий сармоямиз — 90 миллион сўм, яъни ҳар биримизнинг улушимиз 30 миллион сўм. Савдо дўқонин-инг ижараси — 5 миллион сўм. Коммунал харажатлар ўртача 500 минг сўм. Кундалик харажатлар ҳам 5 миллион сўмни ташкил этади. Тахминимизга кўра, бир кунда ўр-тача 4 миллион сўмлик махсулот сотиш-ни мумкин. Шундан фойдамиз — 20 фоз. Энди айт-чи, биз қандай қилиб фойдани тақсимлашимиз мумкин?”.

Сунъий интеллектнинг жавобини ўқиймиз: “Сиз айтган маълумотларга асосланиб, биз фойдани тақсимлашни оддий тарзда амалга ошириб кўришимиз мумкин.

Кунлик фойда ҳисоб-китоби: Савдо дўқонининг кунлик савдо ҳажми ўр-тача 4 миллион сўм. Шундан фойда маржаси 20 фозлигини ҳисобга олсак, соф даромад: 4000000 сўм × 0,20 = 800000 сўм. **Фойдани тақсимлаш:** Фойдани тақсимлаш учун ҳар биримизнинг

улушингизни ҳисобга олишимиз керак. Ҳар биримизга 30 миллион сўмдан бўлгани учун фойда тенг равишда тақсимланади. Демак, фойдани 3 киши ўртасида тенг тақсимласак, ҳар биримизнинг фойдангиз қуйидагича бўла-ди:

800000 сўм ÷ 3 = 266 666,67 сўм. Демак, учаланигиз ҳам синаб кўрамиз. Бу келишувингизга қараб ўқини олишимиз, лекин аниқ жадавалда шу тарзда ҳисобласа бўлади.

Харажатларни ҳисоблаш: Ижара ҳақи: 5 миллион сўм. Коммунал харажатлар — 500 минг сўм. Кунлик умумий харажатлар ҳам — 5 миллион сўм.

Харажатларни ҳисоблаш: Ижара ҳақи: 5 миллион сўм. Бу суммани бир ой учун ҳисоблаймиз, яъни 5 миллион сўм-ни 30 кунга бўламиз: 5000000 сўм ÷ 30 = 166667 сўм (кунига). Коммунал харажатлар: 500 минг сўм (ҳар ойда). Буни 30 кунга бўлишимиз керак: 500000 сўм ÷ 30 = 16667 сўм (кунига). Бошқа харажатлар: 5 миллион сўм. Буни ҳам 30 кунга бўламиз: 5000000 сўм ÷ 30 = 166667 сўм (кунига). Шундай қилиб, умумий ойлик харажатла-рингиз ўртача 10 миллион 500 минг сўм бў-моқда. Энди ойлик фойда ва харажатларни таққос-ласак: Ойлик фойда: 24 миллион сўм. Ойлик харажатлар: 10 миллион 500 минг сўм.

Соф даромад: 24000000 сўм - 10500000 сўм = 13500000 сўм.

Умумий фойда тақсимоти: Умумий ойлик фойда 13 миллион 500 минг сўм бўлиб, 3 одам ўртасида тенг тақсимланади: 13500000 сўм ÷ 3 = 4500000 сўм.

Шу тариха ҳар бирингиз ой давомида 4 мил-лион 500 минг сўмдан фойда оласиз. Бироқ бу ҳисоб-китобларга тўла ишониш тўғри эмас. Ташқи таъсирлар натижасида бу кўпроқ ҳам, камроқ ҳам бўлиши мумкин. Бундай вазиятда энг тўғри йўл савдони опти-мизация қилишдир. Бунда реклама баннерла-ри ясашиб, кўпроқ одамларнинг эътиборини жалб қилиш, махсулотлар турини кўпайти-риш, талабгир махсулотларни аниқлаштириш ва бошқа бир қанча ечимлар ёрдам бериши мумкин. Агар қўшимча саволларингиз бўлса, мен тайёрман”.

Айна шу масала билан соҳа мутахассисла-рига муурожаат қилганимизда эса бунинг учун алоҳида даромад стратегияси тузиш лозим-лигини маълум қилди. Шубҳасиз, бунинг ҳам белгиланган хизмат нархи бор экан.

Яна тақорлайлик, биз бу кичик тажрибала-римиз орқали қайсибир томонни устун қўрса-тиш фикрндан йироққимиз. Шунчаки, бу орқали сунъий интеллектнинг ривожланиб бораётган имкониятларидан бир нечасини кўрсатишни максад қилганмиз.


Сунъий интеллектнинг ниятда тез ривож-ланаётгани барчамизни сергакликка чорлаши керак. Нима касб танлаймиз, нима иш билан машғулмиз, қилётган ишимизнинг вазифала-ри келажакда сунъий интеллект билан ўзаро кесилишадими — шу жиҳатларни чуқур таҳлил қилишининг айна вақти. Сабаби дунёнинг энг нуфузли тадқиқот марказлари сунъий интел-лектнинг келажғи ҳақида статистикаларни аллақачон эълон қилга бошлаган. Масалан, Goldman Sachs ҳисоботида кўра, сунъий интел-лектнинг ривожланиши сабаб яқин келажакда дунё бўйича 300 миллион киши ишсиз қолиши мумкин.



Мулоҳаза

ИЖАРАГА ОЛИНАЁТГАН

ОБРУ



Ахмаджон МЕЛИБОЕВ, журналист

“Тақдирлар” номли туркум телекўрсатувни томоша қилиб тураман. Ҳаммаси бир хил савияда эмас, аммо кўпларга ҳаётий сабоқ бўладиган, ота-оналар, ёшлар ўзлари учун тегишли хулоса чиқариб олиши зарур бўлган сермазмун жиҳатлар бор. Ижодкорларнинг мақсади ҳам шу.

Кўйган, болажон оилаларга қийин, оталар иложсиз. Аммо нолиш йўқ. Болалари қўш-ниларнинг уйига чиқиб, тенгдошлари билан ўйнамоқчи бўлса, ота-она уларга: “Овқат ейсанми деб сўраша, йўқ, қорним тўқ”, дегин, деб қаттиқ тайинлайди. Наҳотки, бутунги тинч, тўкин-сочин замонада шундай шармандалли кўзбўямачилик ҳаётимизга кириб келаятган, илдиз отаётган, жамоатчилик эса бунга эътибор бермаётган бўлса?!

Ишониниш қийин. Нотўғри хулоса чиқармайин, ўринсиз ваҳима кўтармайин деб касбдошларимнинг фикрини билишга қизиқим, ижодий сафарларимда суҳбатдошларимдан сўрадим. Тахририятга келган маҳалла оқсоқоли билан шу мавзуда узоқ суҳбатлашдик. Саҳнада эмас, “келин салом” маросимини ўтказишда фақуллода юксак натижаларга эришаётган айрим санъаткорларни ҳам саволга тутдим. Хайратланарлиси шуки, худди аввалдан келишиб олгандай, ҳаммасининг жавоби бир хил бўлди:

“Ортиқча маросимлар ҳақида қаерда гап бошланмасин, кўпчилик: “Топарман-туртарманлар ошириб юборяпти, исрофгарчиликни бас қилайлик, бировда бор, бировда йўқ — иччамлаштирмаса бўлмайди”, дейди. Ҳамма оёқни кўрпага, маҳаллага, эл-юртга қараб узатиш тарафдори. Бирок амалий ишга келганда, бутунлай бошқача манзара. “Қани, бу ишни кимдан бошлаймиз?” дейилса, бас, кўпчилик ўзини четга олади.

“Ҳа, шунақа ёлгонлар ҳам бор, обрў олиш керак-да”. Кейин ҳаммаси бир-иккитадан мисол келтирди. Куёвнинг шаҳар четидagi дангиллама уйи ўзиники эмас, ижара уйлиги билангач, аёл қудалар ёқалашига берибди. Бошқа бир ҳолатда келиннинг отаси қизига куёв томоннинг вакили бўлиб келган, мактовни қўйилатган “келинтопар”нинг бўйнига тўй харажатиин илбиди. Боиси, куёв бўлига гивъандликка берилганлардан экан. Бир ижарачи уч қунилик ижара пулини тўламаган миждони қудаларнинг олдига ҳақорат-лабди. Янада тасирлиси — “келин салом” пайти ижарага олинган узуқлардан бири осмонга учгандай йўқолибди. Қидирилмаган жойи қолмабди, кимлардандир гумон қилинбди, жанжал чиқиб, саломчи “санъаткор”нинг чирмандаси ёрилибди...

Булардан ҳам аянчли мисоллар эшитдим. Кўн жойда никоҳ бозмлари, қуда қақирик, куёв қақирик каби кимошди маросимлари ўтказиладиган махсус ижара ҳовлилар, коттежлар пайдо бўлибди. Мўмай даромад. Қудаларни дарвоза олдига кутиб оладиган мансабдор “қариндош”лар, ҳайбатидан дев хурқадиган машиналар — булар ҳам ижара.

Бугунги келин-куёвдан бугун оддий воқеа, ўттиз кишилик тўйлар эса қулгига қолиб, Аваз Охуннинг репертуридан жой олди.

синфида сабоқ олмаган қизлар тўйдан кейин алоҳида яшадаими ёки қайнона-қайнота хизматига бўладиларми — шунга қизиқмади. Куёвлар бўлса, тўй куни қайнота қандай машина совға қилиши ҳақида ўйлайди. Чойхонада керилиб ўтириши керак-да.

Мисол келтиришни шу жойда тўхтатаман. Чунки ҳар қандай мисол тарғиботга айланиши мумкин. Болага: “Мана бу нарсалар сенга, мана бунисига тегма, ёмон нарас”, десангиз, бола-да, ўша “ёмон” нарсанинг нималигини билишга қизиқмади, билмагунча қўймайди. Анча йил аввал телевидениеда “Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси” деган сериал намойиш қилиниб, унда қуданинга юбориладиган тоғоралар жиддий танқид остига олинган. Кўпчилик уни тўғри қабул қилди. Аммо туманларимиздан бирида яшайдиган ижодкор дўстимиз тахририятга бундай кинояли хат ёганим ёдимда:



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Тўй — тўқчилик, маъмурчилик белгиси. Тўй-томошасига қараб, у ёки бу мамлакатда элнинг турмуши, харид қуввати қандайлигини тасаввур қилиш мумкин. Одамлар оила куриб яшашга ўрганганидан бери тўйлар тақомил топиб келди. Мамлакат ривожлангани сари инсоннинг иқтисодий эҳтиёжи билан бирга маънавий орзу-ҳаваси ҳам ошиб боради. Бир даврнинг тўйи бошқа даврнинг тўйига ўхшамайди. Утган асрнинг эллигинчи йиллари қишлоғимизда яшagan Оймон кампирнинг ўғли, колхоз хўкизларини боқадиган Бузрукхўжа уйланганида маҳалла бу ноҳор оилага ёрдам қилиб, кичикроқ дастурхон тузаган, икки кишилик қўшнавкарни пишлоқ, туршак, майиз, ёнғок билан сийлаган экан. Жўралар Бузрукхўжани чимилдикқа киритиб, уй-уйига тарқалатганида қутилмаган воқеа юз берибди: куёв бола дўриллаган овозда чимилдикнинг ичидан туриб, энасини қақира бошлабди. Оймон кампир қанчоқда қўни-қўшнилари билан гаплашиб ўтирган экан, ўтақаси ёрилиб, чимилдикнинг олдига келса, Бузрукхўжа: “Эна, хўкизларга қўнжара бериб қўйинг; ўлиб-негиб қолмасин тагин...”, дермиш. Қиш қақрли келиб, ем-хашак анқонинг уруғи бўлиб турганида хўкизбоқарнинг хаёли чимилдик ичидаги келинда эмас, жамоанинг оқландаг сулайиб қолган хўкизлариди бўлган экан. Бу воқеани бугун кимга ҳам айтасиз?

Тўйнинг қандай ўтиши, харажат қанча бўлишини топириқ билан чегаралаб бўлмайди. Хар битта тўйхона эшиги олдига биттадан назоратчи қўйишининг имкони йўқ. Бундан ўн йиллар аввал Маданият вазирлиги ва бир неча маданий-маърифий ташкилотлар ташаббуси билан тўйларда қандай қўшқилар қўйилиши, базм қандай бошланиб, қандай тугаши, кимлар табрик сўзи айтиши хусусида махсус низоом ишлаб чиқилган ёдимизда. Ҳеч нима ўзгаргани йўқ. Бундай кўрсатма-ни ҳеч ким қабул қилмади, қилмайди ҳам. Фикримизча, тўйнинг даражаси тўйчилик тоғамининг имконияти, маҳаллада шаклланган одоб-ахлоқ меъёрларидан келиб

чиқиб белгиланиши мақсадга мувофиқ. Орномусли, зиёли, ибодатли оилалар фарзандларининг тўйига беҳаё, ярим яланғоч кўча “раққос”ларини тақлиф қилмайди. Ширакайф йилгичлар (шўхлиги қолмаган баъзи мўйсифидлар ҳам) базмда уларни ёшлар, болаларнинг кўз ўнгига кучоқлаб кўтаришмайди. Дунё дунё бўлганидан бери ҳеч жойда бундай шармандалик бўлган эмас. Ўзини хурмат қиладиган кишилар қўли зулуғлигини кўз-кўз қилиб, мантисиз маросимларни ўйлаб топмайди. Тўйдан аввал хонадонни, ҳовлини бир сидра тозалаб чиқади. Чунки меҳмонлар фақат дастурхонга қарамайди. Бундан анча йил аввал хориждан келган икки ҳамкасбимизга ҳамроҳлик қилиб воҳага борганман. Меҳмонлар тарихий жойларни кўрди, кўзига ишонмай томоша қилди. Кейин уларни бир дўстимизнинг хонадонига ўтказиладиган тўйга тақлиф қилдик. Ҳаммаси жойида. Иззат-иқром, совға-салом, таом устига таом. Қўшиқ авжида, рақслар офаттижон. Тўенанинг кети узилмайди. Қани энди, бизда ҳам одамлар бир-бирига шундай меҳрибон бўлса деб ҳавас қилишди. Кейин... бир “детал” бу ҳавасларнинг ҳаммасини йўққа чиқарди. Қандай айтсам экан: базм якунида меҳмонлардан бири... ҳамма пийёда борадиган жойини сўраб қолди. Олиб бориб, қоратишди. Меҳмон пахта териладиган этак матосидан қилинган қўлбола пардани кўтариб, ичкарига қадам қўйди-ю, худди заҳарли инлонинг думини боқиб олгандай сапчиб, орқага қайтди. Востни ўтказмай, меҳмонхонага улгуриб келдик. Афсуски, у ерда ҳам “пийёда бориладиган жой” ахволи аввалгисидан дуруст эмас...

Миллий аънана, халқ ижоди, деган иборалар бор. Халқ бир жойда йиғилиб, “Қани, бирдорлар, янги бир урф-одат ўйлаб топайлик, тўйларда ижро этиладиган куй-топайлик”, демайди. Миллий урф-одатлар йиллар, аслрлар давомидида шаклланади, не-не синовлар элагидан ўтади. Шундай экан, миллий урф-одат яратувчи халқнинг бир вакили сифатида ҳар

биримиз зиммамиздаги бу улғу ваколатга жиддий масъулият билан ёндашишимиз керак. Шундай қилмасак, тўйларимиз тобора қалбақилишиб бораверади. Умримизнинг катта қисми тўй ташвиши билан ўтади. Бир бойбачча ўйлаб топган кўнгилхушлик эртага “миллий аънана”га айланади, илдиз отади. “Ўчоқ кўмди”, “Калла солди”, “Сочиқ ювди”, “Куёв оши”, қиз узатилган бўлса, “Ота юплатди” деган маросимлар пайдо бўлади. Водийда шундай маросимлардан бирига мени ҳам тақлиф қилишган. Афсуски, “Ота юплатди” маросими “Ота кулатди”га айланиб кетди...

Ортиқча маросимлар ҳақида қаерда гап бошланмасин, кўпчилик: “Топарман-туртарманлар ошириб юборяпти, исрофгарчиликни бас қилайлик, бировда бор, бировда йўқ — иччамлаштирмаса бўлмайди”, дейди. Ҳамма оёқни кўрпага, маҳаллага, эл-юртга қараб узатиш тарафдори. Бирок амалий ишга келганда, бутунлай бошқача манзара. “Қани, бу ишни кимдан бошлаймиз?” дейилса, бас, кўпчилик ўзини четга олади.

Тўйларга номдор санъаткорларни тақлиф қилиш бели бақувватлар учун оддий юмуш бўлиб қолди. Эл хизматига бўлиш айб эмас. Истеъдоди бор, ижро маҳорати юксак, муносиқ диди баланд кишиларгина санъаткор деган шарафли номга, мухлислар хурматига сазовор бўлади. Бунинг учун неча ўн йиллаб изланиш, устозлардан сабоқ олиш, унча-мунча сарф-харажати зиммага олишга тўғри келади. Битта сюжетли клипнинг харажати бутун фалон пул. Шундай экан, чин санъаткор ҳеч ким тўйга борма, демайди, борганларини аввалги йиллардагидек қора рўйхатга тушмайди. Аммо бу “тирикчилик”да ҳам рақобат кучайиб бормоқда: тўй талашини, қўшиқ талашини бошлади. Ороқ фаромиш бўлсангиз, сафдан чиқасиз-қоласиз. Тўй базмларида гўзал қўшиқлар ижро этилса, санъаткорлар бир-бирини хурмат қилса, шогирдлар устозларга йўл берса, бунга нима етсин?! Навбат талашиб, эл-юрт олдига обрўсини тўкса, бундан ёмоний йўқ. Камолдин Рахимов, Отажон Худойшукуров, Ортиқ Саиджонов, Нуриддин Ҳамроқулов, Улмас Саиджонов каби санъаткорлар ҳам тўйларга хизмат қилган, аммо шу чоққа уларнинг бирортаси ҳақида нордон гап эшитмаганман.

Тўй ҳақида жуда кўп ёзилади, мен ҳам анча-мунча қоғоз қоралаганман. Мақолаларимдан бирини аввалга “ЗАГС мудири-си ЗАГСдан ўтганимиз?” деб номладим. Кўп тўйларда келин-куёвнинг никоҳи оқшол бўлишига рўйхат қилинади. Ўз вақтида бу янги одатни қўллаб-қувватлаганмиз. Аммо бир тўйда Адлия вазирлиги номидан қилинган расман қайд этган, уларга оила ва никоҳ масалларига зарур маслаҳатлар берган ёш мудиридан сўзларини тинглаб, қўнгилда “Бу нозик никоҳ сингилчамиз турмуш қурганимизми?” деган иштибоҳ пайдо бўлди. Жўн, ўзини, ёлғаб олинган, тўйларда бир хил тақорланидиган ҳисси, қуруқ гаплар. Никоҳчи қайд этиш маросимини маҳалларимизда умрғузарлик қилаятган, оила қурганларига элик, олтиш йил бўлган, ували-жували, фарзандлари тарбияли, имон-этиқодли отахон-онахонлар иштирокида ўтказиб, уларнинг вафо-садоқатини, турмуш синовларига бардошини ёшларга намуна қилиб кўрсатиш керак эмасми?!

Бугун мамлакатимиз улкан тўйхонага ўхшади. Янги-янги замонавий бинолар, санъат, маданият ва спорт саройлари, олий ўқув юртиларининг мухташам бинолари билан бирга дабдабали, бири иккинчисига ўхшамайдиган тўйхоналар ҳам шитоб билан қуриломоқда. Тўй тадориғини кўраётган, тўйхона қураётган халққа дунё ҳавас қилади. Айнақча, бугун. Мен эса яна ният қиламан: санъатпеша тадбиркорларимиз тўйхоналар билан бирга маҳалларда, мавзеларда кутубхона, қироатхоналар ҳам қурса, уларни адабий-бадиий, маънавий-ахлоқий адабиётлар, қундалик наشرлар билан тўлдирса, зўр иш бўларди-да. Депутатларимиз бундай саволатли ишларни қўллаб-қувватлашга аниқ. Чунки маърифий бинолардан тараладиган энё халқимизнинг буюк келажак сари йўлини янада нурафшон қилади.

ФАРЗАНД ОРЗУСИ...



глобал дунёда ўзлики сақлаб қолган, халқ ва мамлакат фойдасини кўзлаб иш тутадиган йигит-қизлар катта бойлиқдир. Шу маънода, маданият ва санъатнинг кучидан унумли фойдаланиш айна мудоао бўлади. Чунки сунъий интеллект барча соҳада олдинги ўринга чиқиб, интеллектуал салоҳият ижтимоий ҳаёт мезонини белгиловчи даражага айланди. Информацион технологияларнинг тараққий этиши эса одамларни реал ҳаётдан бир оз узоқлаштирди. Маънавий таҳдидлар кўпайишига ва иллатларнинг илдиз отишига сабаб бўлди. Юртимизда бундай хатарларнинг олдини олиш учун пухта режа асосида ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбари 2023 йил 16-17 ноябрда Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида вилоятни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш дастури доирасида маънавият ва маърифат соҳасига алоҳида ургу бериб, 4 та секторга кўмакчи бешинчи — “Маънавият




сектори”ни ташкил этиш ташаббусини илгари сурган эди.

Мазкур ислохотдан сўнг биргина Сурхондарёда жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 26 апрелдаги “Сурхондарё вилоятида маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан 15 та намунавий маданият марказида таъмирлаш ишлари бажарилди. Ҳозир вилоятдаги маданият марказлари ҳузурда 463 та тўғарақ, студия ва бадиий ҳаваскорлик жамоалари фаолият юритмоқда. Шу орқали истеъдодлилар қамраб олингани ҳам эътиборга молик. Бундан ташқари, ёшлар ўртасида китобхонлик аънасанини жонлантириш, митология кенг эътибор қаратиш борасида ҳам талай ишларга қўл урилган. Жумладан, хар бир туман марказида китоб дўконлари, кутубхоналар очилди ва янги асарлар билан бойитиб келинмоқда. Энди мазкур йўналишдаги ишлар янги босқичда давом этади. Чунки мулоқотда ёшларнинг маънавийнинг юксалтиришида бадиий адабиётнинг роли жуда катта экани

таъкидланди. Бу борада ҳам аниқ янги тақлиф илгари суриди. Масъуларга тегишли вазифалар юклатилди. Масалан, “Аждодлар меросига муносиб авлод” гоёси остида ёшларни бирлаштириш бўйича янги тизим жорий этиладиган бўлди. Ислохотларни халқимиз орасида тарғиб қилишда мукамал таъмирланган ва жиҳозланган, шинам ва кўркам маданият ва санъат муассасалари ҳам ўз икжодий ишлари билан хизмат қилади. Сабаби мазкур муассасаларда яратилаётган имкониятлар ва ижодий салоҳият қундан-қунга ортб бораверади. Зеро, янги Ўзбекистондаги ислохотлар кўлами, имкониятлар шундай ишонч билан фикр қилдиришга эмоман ярадади. Биз, ёшлар қалбиде юртга садоқат билан хизмат қилиш, халқимизга наф келтирадиган фарзанд бўлиш орзусини янада мустаҳкамлайди.

Бахтиёр САМИЕВ,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабаси



Шу йил 14 февраль куни Президентимиз ёшлар билан мулоқотида “Келгусида Учинчи Ренессанс пойдеворини яратадиган янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Мирзо Улуғбек ва Алишер Навоийлар қаердан пайдо бўлади? Бу улкан вазифаларни ким бажаради?”

Мен қайта-қайта тақорлашдан чарчамайман. Албатта, бу эзгу гоёларни сизлар — бугунги Янги Ўзбекистон ёшлари амалга оширасизлар”, дея таъкидлади. Бу, албатта, биз, ёшларга катта ишонч, шижоат ва куч беради. Айна пайтда катта масъулият ҳам юклайди. Демак, биз ишонччи оқлашимиз, халқимиз кутаётган марраларни забт этишимиз шарт. Ўйлайманки, биз бунди ундамаймиз. Юртимизда ёшларнинг таълим-тарбияси борасида жуда катта ислохотлар амалга оширишти.

Ёшларни етук салоҳиятли кадрлар қилиб тайёрлашда маданий-маърифий ишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозиргидай

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz (71) 233-47-05

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарибмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобдор.

Газета тахририят компьютерлашганда саҳифаланган. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.

Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-246.

37560 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. **Офсет** усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Муножат Мўминова
Мусахҳиш: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 20:53 Тошхирлиди — 00:25